

ИЧИШДИ, ИЧИШДИ...

КЕИИН...

...конга беланган пичоқни йулочви машинада қолдириб кетди.

4-бет

САОДАТ СОХИБИ БИНАЛИК

ЁХУД ЎЗБЕКНИНГ ҚАЛБИ

Энг оғир гуноҳдан оғирроқ гуноҳ — киши кўнглига озор етказишдир.

5-бет

БЕХОСИЯТ

ТУН

Ўранинг тупроғига икки марта белкурак урилганди ҳамки, бир оёқ кўриниб қолди.

6-бет

ҚОРА

РҲИХАТ

ЁХУД BOSSLAR ИНҚИРОЗИ

У «Коза Ностра»нинг «қотиллар корпорацияси»ни тузган эди.

7-бет

Mustaqillik huquq demakdir

HUQUQ

05

(320)

YURIDIK GAZETA


Fevral

D.	2	9	16	23	
S.	3	10	17	24	
Ch.	4	11	18	25	
P.	5	12	19	26	
J.	6	13	20	27	
Sh.	7	14	21	28	
Ya.	1	8	15	22	29

2004

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqqa boshlagan.

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz



▼ DOLZARB MAVZU

МЕТИН ИРОДА

БИЛАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАДГА ЭРИШИШ МУМКИН

Жисмоний тарбия ва спорт болаликдан иродани чиниктириб боришнинг энг самарали воситаси эканлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хомийлик кенгашининг йиғилишида Президентимиз фарзандларимизнинг иродали, маънавий етуқ ҳамда жисмонан бақувват бўлиб ўсиб-ўлгайишлари учун спортни оммалаштириш ва ривожлантириш зарурлигини алоҳида таъкидлаган эди. Мухбиримиз Фарғона вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси, эркин кураш бўйича спорт ўстаси, ўз вақтида республика чемпиони бўлган, турли халқаро мусобақаларда иштирок этган Миродил Фозилов билан бу борада қилинаётган ишлар, муаммолар ва уларнинг ечими хусусида суҳбатлашди.

— *Хабарингиз бор, Фарғона шаҳрида янги, муҳташам спорт саройи қад ростлади. Жаҳон андозлари даражасида қурилган спорт мажмуасида ҳатто халқаро мусобақаларни ўтказиш мумкин. Айни чоғда унда болалар спорт мактаби ташкил этилиб, ўқувчилар ўзларини қизқтирган спорт турлари бўйича маҳоратларини ошириш имконига эга бўлишди...*

— Фикрингизнинг давомии сифатида айтиш мумкинки, вилоятимизнинг Марғилон, Қўқон, Қувасой каби шаҳарларидаги стадионларда, спорт саройларида ҳам турли тўғарақлар ишлаб турибди. Минглаб болалар спортнинг хилма-хил турлари бўйича машғулотларга қатнашишяпти. Ўтган йил декабрь ойида Фарғона шаҳрининг Қирғули мавзесида шаҳар прокуратураси, ИИБ ва ҳокимлик ташаббуси билан «Болалар гйёҳвандликка қарши» шиори остида маҳаллалараро футбол, шахмат-шашка мусобақалари ўтказилди.

«Кимёгар» спорт мажмуаси кўпдан бери болалар билан бу қадар гавжум бўлмаган эди. Дарслардан кейин ўз хоҳишлари билан сеvimли жамоаларини қўлаб-қувватлашга келган яна қанча-қанча ўғил-қизларнинг дилида спорт тўғарақларига қатнашиш, ўз кучи ва билимини синаш, голиблик шохсупасига кўтарилишга ҳавас уйғонди. Мусобақаларда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларнинг рўйхатида турган ўспиринлар ҳам қатнашишди. Тарбияси оғир ўсимирларнинг спорт тўғарақлари машғулотларига қатнашишлари бекорчилик туфайли, билмасдан ҳуқуқбузарлик содир этишдан асрайди. Вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида, қишлоқларда ана шундай мусобақаларни мунтазам ўтказиб туриш режалаштирилмоқда.

(Давоми 8-бетда).

▼ TADBIR

ТАНҚИДИЙ РҲУДА ЎТДИ

СУРҲОНДАРЁ вилоят прокуратурасида кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди.

Уни вилоят прокурори Б.Нурмухаммедов бошқариб борди.

Йиғилишда кун тартибидagi масала — «Вилоят прокуратураси органларининг қонунийлигини мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашни ташкил этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида 2003 йил мобайнидаги фаолияти яқунлари ва келгусидаги вазифалар» юзасидан вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Ф.Бойзақов маъруза қилди.

Танқидий рӯҳда ўтган йиғилишда шаҳар ва туман прокурорларининг, вилоят прокуратураси бўлим бошлиқларининг, прокуратура ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси бошлиғининг ҳисоботлари тингланди.

Йиғилишда Республика Бош прокурорининг ўринбосари П.Бобоҷонов иштирок этди.

ШУНИНГДЕК, Андижон вилоят прокуратурасида ҳам худди шундай ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Мажлиси Андижон вилоят прокурори Б.Дехқонов олиб борди.

Кун тартибидagi масала юзасидан вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари К.Маматов маърузаси тингланди.

Йиғилишда таъкидланганideк, вилоят-

да ижтимоий-иқтисодий вазиятни барқарорлаштириш, жиноятчиликнинг олдини олиш, қонун-устуворлигини таъминлаш борасида муайян ишларнинг амалга оширилиши билан бир қаторда ҳали ўз ечимини кулаётган муаммолар ҳам мавжуд. Йиғилиш иштирокчилари мана шу камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш чоралари ҳақида аниқ фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Йиғилишда Республика Бош прокурорининг ўринбосари А.Холмаҳматов иштирок этди.

Қурилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

(Ўз мухбиримиз)

Чоршанбадан Чоршанбагача

29 январь

Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Президент Ислам Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

30 январь

Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида Ўзбекистонда гйёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши курашда эришилаётган натижаларга бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

31 январь

Ўзбекистон Республикасининг

«Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация бeжлари тўғрисида»ги қонуни матбуотда эълон қилинди.

1 февраль

Ислам оламининг улуғ байрамларидан бири — Қурбон ҳайити мамлакатимизда ҳам кенг нишонланди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазираи С.Сафоев АҚШ конгрессининг вакиллар палатасидаги демократик партия етакчиси Нэнси Пелоси раҳбарлигидаги делегация аъзолари билан учрашди.

2 февраль

Тошкентдаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик масалаларига бағишланган халқаро конференция бошланди.

QAROR VA IJRO

Кишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар билан таъминлаш тартибини белгилловчи қонунчилик талабларига риоя этмаслик ҳоллари тез-тез учраб турибди. Негиз?

ҚЎЛИ ЭГРИЛАР

Ушбу саволга жавоб топиш ва қонунбузарликларга чек қўйиш мақсадида прокуратура органлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 мартдаги «2003 йилда республика кишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси ҳамда минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситаларини сақлаш ва мақсадли ишлатилиши тартибини белгилловчи қонунчилик талаблари ижроси юзасидан текширишлар ўтказилди.

Аниқланишича, «Ўзбекистон хўжалик банк» давлат акциядорлик компанияси ва унинг тизимидаги корхоналар томонидан ўтган йилда кишлоқ хўжалигига 613 минг тонна (99,3 фоиз) азот, 117,3 минг тонна (78,5 фоиз) фосфор ва 11,3 минг тонна (45,2 фоиз) калий этказиб берилган, холос.

Белгиланган режадагидан кам маҳсулот этказиб берилгани етмаганидек, тизимдаги корхоналарнинг мансабдор шахслари томонидан минерал ўғитлардан фойдаланишда хўжасизлик, талон-тарож ва бошқа суиистеъмолликлар содир этилганлик ҳолатлари аниқланган. Хусусан, Жиззах вилояти «Кишлоқхўжалик» бирлашмасининг Галлаорол тумани бўлими бошлиғи ўринбосари И.Юсупов 200 тонна аммиакли селитрани, омбор мудири Л.Хусанов 25,4 млн. сўмлик, Ф.Рустамов эса 36,7 млн. сўмлик турли минерал ўғит ва химикатларни талон-тарож қилганлар.

Ушбу ҳолатлар юзасидан айбдорларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, Андижон вилоятидаги «Кишлоқхўжалик» бирлашмасининг Булокбоши тумани бўлимига қарашли дўкон мудири О.Жалолов томонидан 2,7 тонна ва Бўз тумани «Кишлоқхўжалик» бўлими омбор мудири А.Омонов томонидан 1,2 тонна минерал ўғитлар талон-тарож қилинганлиги ҳолатлари юзасидан уларга нисбатан қўзғатилган жиноят ишлари мазмунан қўриб чиқишлик учун судларга юборилган.

Техника ҳақида гап кетса, техника — деҳқоннинг қаноти деган сўзни деҳқонлар кўп ишлатади. Бирок, ана шу «қанот»лар синдирилмоқда. Бундан ташқари, айрим мансабдор шахслар томонидан техника ва эҳтиёт қисмларни талон-тарож қилиш ҳолатларига ҳам йўл қўйилган. Хусусан, Самарқанд вилояти, Оқдарё тумани «Кишлоқхўжалик» бўлими муҳандиси Ф.Мамараҳимов 121,5 минг сўмлик эҳтиёт қисмларни, бўлим бошлиғи Ф.Бобоев эса ДЗ-101 русумли тракторни узлаштирганиклиги ҳолати юзасидан жиноят ишлари қўзғатилган.

Минерал ўғитларни республикадан ташқарига қонунсиз олиб чиқиб кетишлигининг олдини олишга қаратилган тадбирлар амалга оширилаётганига қарамай Тожикистон, Қозғистон, Туркменистон ва Қирғизистон республикалари билан chegarados бўлган айрим ҳудудларда бундай қонунбузарликларга тўла барҳам берилмаган.

Жиззах вилоятида 118 та, Наманганда 148 та, Фарғонада 96 та, Андижонда 66 та, Сирдарёда 26 та, Ташкентда 4 та ва Самарқанд вилоятида 1 та ҳолатда республикадан минерал ўғитларни четга олиб чиқиб кетишга уриниш ҳолатлари аниқланган. Жумладан, Сирдарё вилоятида яшовчи фуқаролар Т.Раҳимов ва У.Сейдамановлар ўзаро жинорий тил бириктириб, Қозғистон Республикасига 11 тонна аммиакли селитрани олиб ўтмоқчи бўлганларида божхона ходимлари томонидан ушланганлар.

Республика прокуратураси органлари томонидан юқорида кўрсатиб ўтилган қарор ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар натижаларига қўра, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар қўрилди. Мақсадимиз бундай ноқонуний ишларга қатъий чек қўйишдир. Бунинг учун барча бир ёқадан бош чиқариб ишлаши керак. Акс ҳолда қузда яна режалар барбод бўлиб, деҳқонларимиз мулзам бўлиб қолиши мумкин.

Р.НИШОНОВ,

Республика Бош прокуратурасининг умумий назорат бошқармаси катта прокурори

PROKUROR NAZORATI

Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги 154-қарори мамлакатимиз ички бозорини сифатсиз маҳсулотлар кириб келишидан муҳофиза қилиш билан бирга ўзимизда кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришни рағбатлантириши кўзлашди. Ҳуқуқ-тарбиот идоралари ушбу қарор ижросини таъминлаш борасида муайян иш олиб боришляпти. Жумладан, Ҳўжабод туманидаги «Дўстлик» божхона мажмуаси ходимлари ўтган йил мобайнида 598 та контрабанда ва божхона

очилган бўлса, қуйи тарафдаги эшик ёки дарвозадан қўшни давлат ҳудудига ўтиш мумкин. Магистрал йўл устида, чегарада «Дўстлик» божхона мажмуаси чет элга чиқарган ёки ундан кирарган фуқаролар, автомобиллар оқимини назорат қилади. Божхона фаолиятини ўрганганимизда чегарадан ҳар икки давлатга ноқонуний юк олиб ўтиш ҳолатларига мустаҳкам тўсиқ қўйилмагани аён бўлди.

Қўшни давлат билан чегаранинг 42,4 километри туманимиз ҳудудидан ўтган. Унинг 37 километри тоғли ерларга, 5 километрдан зиёда пасттектиклика тўғри келди. Божхона, ИИБ ходимлари, чегара қўшинлари қисмининг офицер ва аскарлари ўтган йил мобайнида юртимиздан ноқо-

бар қимматроқ нарҳда сотилади. Чегаранинг нариги тарафда, Ўш вилояти магистрал йўли, шаҳар ва кишлоқ қўчаларида бензинфурушлик билан кун кўраётган хонадонлар оз эмас. Уларни бизнинг «тадбиркор»лар арзон-гаров ёқилги билан таъминлашляпти. Кимсасиз, назоратсиз сўмоқ йўллар орқали бензин, дизель ёқил-ғисини олиб ўтишляпти. Туман ИИБ ходимлари Ҳўжабод шаҳрида истиқомат қилувчи Б.Халилов ва Ф.Қамолнинг ана шундай гайриқонуний «бизнес»ига чек қўйишди. Ҳар иккаласи ҳам ўзига тегишли енгил машиналарда божхона масканини четлаб, 200 литрдан «солярка»ни олиб ўтишга уринганларида ушланди. Ўтган йил мобайнида «Дўстлик» божхона маж-

ҚИШЛОҚ ЎРТАСИДАН ЎТГАН ЧЕГАРА

БОЖ ВА СОЛИҚ ТЎЛОВЛАРИДАН БЎЙИН ТОВАЛТАГАН «ТАДБИРКОР»ЛАРГА ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

қонунчилиги бузилиши ҳолатларини аниқлаб, салкам 58 млн. сўмлик ноқонуний олиб ўтиларган товарларни тўхатиб қолдиран. Ҳуқуқбузарлар тегишли тартибда жинорий ва маъмурий жавобгарликка тортилди. ИИБ ва туман прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚ бўлими, солиқинспекцияси ходимлари чегарадан ноқонуний товар олиб ўтишга уринган 235 нафар шахсга нисбатан қонунда қўзда тутилган чораларни қўллади. Уларнинг 32 млн. сўмлик моллари мусодара қилинди. Ноқонуний товар оқимларини тўхатиш мақсадида тумандаги Қирғизистон билан чегарадош Имомоти, Ордайд, Дўстлик кишлоқларида ИИБнинг 3 та доимий, 3 та сайёр назорат постлари ишлаб турибди. Дўстлик қишлоғи Андижон-Ўш магистрал йўлида, Ўзбекистон ва Қирғизистон чегарасида жойлашган. Чегара қишлоқнинг ўртасидан ўтган (собик шўро тўзумининг чигал-меросларидан бири). Қўчалардаги ҳовлиларига асосий дарвозаси Ўзбекистон ҳудудига

нуний равишда юк олиб чиқиб кетиш ёки олиб кириш бўйича 700 га яқин ҳолатнинг олдини олдилар.

Юртимиздан қўшни давлатга асосан нефть маҳсулотлари, қора металл, трикотаж кийим-кечаклар, бўз ва бошқа газлампалар, сабзавот, полиз, озиқ-овқат маҳсулотларини, Қирғизистондан мамлакатимизга чет элларда тайёрланган, сифат сертификати бўлмаган кенг халқ истеъмол молларини яширинча олиб ўтишга уриниш ҳолатлари аниқланяпти. Жумладан, Дўстлик қишлоғида яшовчи З.Мамажонов Балқич тумани, Чинобод қишлоғи А.Эшматовнинг «ЗИЛ-133» русумли юк машинасида 4 тонна қора металл парчаларини айланма йўллар билан чегарадан олиб ўтишга уринганда қўлга олинди. Бу икки «тадбиркор» қўшни давлатда нарҳи қимматроқ қора металл парчаларини пуллаб, фойда олишни кўзлашган эди. Шунингдек, нефть маҳсулотлари, жумладан, бензин у ерда бир ярим-икки баро-

муаси ходимлари 3 млн. сўмлик, ИИБ ходимлари 1,8 млн. сўмлик ёқилги-мойлаш маҳсулотларини чегарада тўхатиб қолишди. 100 нафардан зиёд «ишбилармонлар» жавобгарликка тортилди. Туман ИИБ ходимлари юқоридagi каби «воситачиларни таъминлаб турган манбаларини ҳам тугатишга муваффақ бўлишди. Яшаб турган уйларида қўлбула ускуналар билан ноқонуний равишда нефтни қайта ишлаш билан шуғулланяётган 49 фуқаро аниқланиб, 35 та ностандарт ускуна, жуда кўп ёнғили идишлари далилий ашё тариқасида олинди.

Бирок кўриларган чора-тадбирлар бож ва солиқ тўловларидан бўйин товалтаган «тадбиркор»лар фаолиятини қонуний изга солиш борасида қўтилган самарани бермаёпти. Вилоят ва туман ҳокимликларини, ҳуқуқи муҳофиза қилиш идораларини ҳодимлари аҳолини атрофлига ўрганиб, ноқонуний юк оқимига мустаҳкам тўсиқ қўйиш бўйича тақдирларини вилоят ҳокимлигига киритдилар. Чегара назоратини кучайтириш, Дўстлик қишлоғида мунтазам ўтказилаётган йрмаркани рақобатбардosh моллар билан тўлдириш шуллар жумласидадир.

Валион ЮНУСОВ, Ҳўжабод тумани прокурори

Моҳият
Жиноят қилиш қанчалик ёмон бўлса, жиноятчини ўз қанотининг остига олиш унда ҳам ёмон.

QONUN BARCHAGA BAROBAR
«НАҚД» ИГА
ИШЛОВЧИ СОЛИҚЧИЛАР
Фақатгина ўз манфаатини деб яшаш инсон учун шармандалиқдан бошқа нарса эмас. Бундай ёт иллатларга барҳам бериш ўрнига уларни никоблашга уринаётганлар вақти келиб элнинг нафратига учрайдилар.

VALYUTAFURUSHLAR
... Лутфулло ва Ўқтамжон хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишиб, озми-кўпми мулкли бўлишди. Ҳар иккаласи ҳам яшаб турган шаҳарлари — Учкудуқа квартирага, Ўқтамжон эса шахсий автомашинага эга бўлди. Кандидни урсин. Ишбилармонлик билан ҳалол пул толганга не етсин!

бўлди. Аммо, ҳар бир АҚШ доллари 1112 сўмдан нарҳ белгиланганлиги Салимга алам қилди ва бу «валютафурушлар»нинг кирдикорларини Учкудуқ шаҳар ва туман прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлимига билдириди. Хабар асосида тезкор гуруҳ тузиб «валютафурушлар» жиноят устида қўлга олиндилар. АҚШ долларлари билан валюта-

Самарқанд шаҳрида яшовчи фуқаро Акбар Маматов, Саъдулла Турдиевлар нон пишириб сотиш хунарини ихтиёр этганлар. Улар Темирйўл туман ҳокимлигида бўлишиб, яқка тартибдаги тарбиркорлар сифатида гувоҳнома олиб, туман давлат солиқ инспекциясига борайдилар. У ерда инспектор А.Нуриллаевга учрашиб, нон пишириб сотиш ҳуқуқини берувчи қайд гувоҳномасини олиш учун ёрдам сўрайдилар. Абдимурод бўлса тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ўрнига, фараз мақсади қўзлаб, тегишли ҳужжати ёзиб бериши учун 19500 сўм пул олиб келиб бериши лозимлигини айтди.

«БИЛМАЙИН

БОСДИМ ТИКАНИ...»

Бирок... Лутфулло қўшни Қозғистон Республикасида ишлаб келиб, ўзгарди-қолди. У ишлай-нетмай «мўмай даромад» топиш йўлига ўтди. Дўсти Ўқтамжонга Қозғистонда ишлаб ортиртурган 2300 АҚШ долларини «қора бозор»да сотиш эвазига даромад орттириш нияти борлигини айтганда, у ҳам бу фикрни қўллаб-қувватлади. Шу мақсадда икки дўст шаҳар бозори ва одамлар гавжум жойлардан харидор излай бошладилар. Тез орада харидор ҳам топилди. Хорижий валютага Салим Қаҳҳоров деган фуқаро «даъвогар»

фурушлик қилишга уринган Л.Ҳаққулов ва Ў.Саифуллаевларга ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, ҳуқуқбузарлар энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдорида жаримага тортилдилар. Далилий ашё — 2300 АҚШ доллари давлат эгаллигига ўтказилди. Эр-хотин Гулнора Абдурашитова ва Асхат Абдурашитовларни нима жин урди билмадигу, бирок валютафурушлик оқибатида Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги қарорини назар-писанд қилмаганиклири рости. Акс ҳолда улар 600 АҚШ долларини 750 минг сўмга пуллаётган

турибди. Эслатиб ўтмоқчи бўлганимиз, валюта қимматликлари билан боғлиқ қонунбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш, фуюқ этиш фақатгина ҳуқуқий органларнинг эмас, балки барчаннинг иши эканлигини унутмайлик. А.АБДУЛЛАЕВ, Учкудуқ туман ва шаҳар прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими бошлиғи. А.ПАРДАЕВ, бўлим катта суриштирувчиси

Шу боис, улар ноилжол ортларига қайтиб кетишди. Манфаат хирсига тушган А.Нуриллаев бир-икки кун ўтгач, «мижоз»ларининг уйига бориб, «Ҳўжжатларни тайёрлаб қўйдим. Мен айтган пулни олиб бориб, гувоҳномаларининг олиб кетинглар», — дейди. Улар шундан кейин ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қарор қиладилар. Ҳали ёш мутахассис бўлишига қарамасдан ўз нафси қўлига айланиб улгурган А.Нуриллаев ўз ишончасида пора сифатида талаб қилинган 19500 сўм пулни С.Турдиевдан олаётган пайтда қўлга олинди. Булуғур туман давлат солиқ инспекциясида қисқа муддатли текширишлар ўтказиш ва бозор фаолиятини назорат қилиш шўбаси бошлиғи И.Ҳамроев солиқ инспекциясининг коррупцияга қарши курашиш ва хавфсизлик бўйича шўба бош мутахассиси А.Ризаев билан ўзаро жинорий тил бириктириб, шахсий манфаатларини қўзлаб иш тутиб келишган. Ўз кирдикорларининг бирида улар яқка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланувчи А.Наврўзовнинг ёнига бориб, «Сени ўз ҳимомизда олиб юрамиз. Бунинг эвазига ҳар ойда бизга 100 минг сўмдан пул бериб борасан», дея таъмағирлик қилишляпти. А.Наврўзов ўз хизмат хонасида И.Ҳамроевга 10 минг, А.Ризаевга эса 15 минг сўм пора сифатида пул берса-да, таъқибдан боши чикмай қолади. «Бер-бер»лардан сабри тугаган тадбиркор охири тўғри йўлни танлашга мажбур бўлади. Белгиланган вақт тобора яқинлашарди. Мўмай пул келишини кутган солиқчининг қувончи эса узоққа чўзилмади. Қолган 85 минг сўм пулни А.Ризаевнинг кўрсатмасига қўра кўртдаги санаб олаётган И.Ҳамроев ўз хизмат хонасида қонун ҳимоячилари томонидан қўлга олинди. Шамол бўлмаса, дарахтининг учи қумирламаёиди. Қўзимизни каттароқ очайлик. Манфаатдорлик устидан қозонилган галаба энг шарафли галаба эканлиги мудом ёдимизда бўлсин. Музаффар ҚИЛИЧЕВ, Самарқанд вилоят прокуратурасининг бўлим бошлиғи

Мақтублар, шикоятлар, жавоблар

РАКАМ

Чоршанбадан чоршанбагача тахририят муштарийлардан 50 та мактуб олди.

ҚАТЪИЙ ЧОРАЛАР КЎРИЛАДИ

Тахририятимизга Андижон вилояти, Булоқбоши тумани, Б.Резапов номли жамоа хўжалигида яшовчи фуқаро М.Халилова мактуб йўллаб, туман марказий касалхонасига қарашли Учена қишлоқ врачлик пунктида врач-педиатр вазифасида ишлаётганини айтиб, 2003 йил июль ойидан октябрь ойига қадар тўланмай келинаётган иш ҳақларини олиш масаласида ёрдам сўраган эди.

Яқинда Булоқбоши туман прокуратурасидан М.Халилованинг шикояти юзасидан жавоб хати олди.

Текширишда, Булоқбоши туман марказий касалхонаси Учена қишлоқ врачлик пунктида ишловчи врач

Халилова Матлубахон 2003 йил октябрь ойигача бўлган иш ҳақини тўлиқ олганлиги, 2003 йил октябрь ойдан эса 1603 сўм ва ноябрь ойдан 21.340 сўм, 2003 йил декабрь ҳолатига жами 22.943 сўм иш ҳақларини олмаганлиги маълум бўлди.

Аниқланишича, туман молия бўлими томонидан туман марказий касалхонасига 2003 йилда иш ҳақи ва компенсация тўловлари 2003 йил 20 декабрда ҳолатига тўлиқ молиялаштирилиб, «Халқ банки»нинг Булоқбоши туман бўлими ҳисоб рақамига ўтказиб берилган.

Банк бошқарувчиси Г.Уринов эса касса операцияларини юритиш тартиби ва тўлов интизомини сурункали бузиб келган. Шу билан бир

қаторда марказий касалхона ҳисоб рақамига молиялаштириб қўйилган 33.941.800 сўмлик маблағни нақд пул билан таъминлаш чораларини кўрмаган. Натижада туман марказий касалхонаси ходимларининг иш ҳақлари ўз вақтида берилмай келган.

Аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан туман ҳокимлигига тақдимнома киритилди. Туман «Халқ банки» бўлими бошқарувчиси Г.Уринов касса операцияларини ва тўлов интизомини бузганлиги учун унга нисбатан маъмурий иш қўзғатилди.

А.МИРЗАЕВ,

Булоқбоши туман прокурори, адлия маслаҳатчиси

Шикоят

БИР КЕЛИБ-КЕТИНГ ҚИШЛОҒИМИЗГА

Мен мактубимни Сирдарё вилояти, Шароф Рашидов тумани, Темир Малек номли хўжаликда яшовчи барча аҳоли номидан юбораяпман. Бу ерларга 15-20 йил аввал чўли ўзлаштириб, юртини бойитамиз деган яхши ниятлар билан кўчиб келганми. Хўжаликнинг ташкил этилганга бу йил 30 йил тўлади. Қишлоғимизда 7 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Авваллари хўжалигимизда қурилиш ишлари ҳам, маданий-маиший шароит ҳам рисоладагидек эди. Кейинги 5-6 йил ичида эса киш ойлари аҳолига қийин бўлаётти. Газ таъминоти кескин пасайиб кетади. Бу кетишда дараклар келишиб, чор-атроф бийдай далага айланиб кетиши ҳеч гап эмас.

Тоза ичимлик суви нийҳатда таъқислиги туфайли аҳоли канал ва лотоклардаги оқва сувдан фойдаланишга мажбур бўлмоқда. Бунинг оқибатини сир тутмасга ҳам бўлади. Ташвиш бир келса қўшалок келади деганларидек, бу камчиликлар устига электр қуввати таъминоти ҳам яхши эмас. 2-3 кунлаб қиросиз ўтиришга кўпчилик ўрганиб ҳам қолди. Ёнгарчилик кўпайиб кетса юрагимиз зирқирайдиган бўлиб

қолган. Чунки ерлар шўрланиб кетганлиги учун ёгин сувлари ерга ҳадеганда шимиллиб кетмайди. Кўчалар ўйдим-чўқур. Кўп йиллардан бери таъмирланмаган йўлқалар бузилиб кетган. Хуллас, аҳолимиз ҳавас қилгудек эмас. Шу ўринда тумани, хўжаликни бошқариб турган раҳбарлар бор-ку, нега уларга мурожаат қилмайсизлар деган савол беришингиз мумкин. Гап шундаки, уларга учрайвериб кўпчиликнинг тинкиси қуриди. Баъзан раҳбарларнинг кўнimsизлиги ҳам бунга сабаб бўлаётгандир деб ҳам ўйлаб қоламиз. Қани энди, улар берган қоп-қоп ваъдалар амалга ошганда эди, бошқаларга ўшаб тинггина меҳнат қилиб, фаровон ҳаёт кечирган бўларди.

Аммо ҳозирча бунинг илоҳи йўқ. Барчанинг умиди нислардан. Қишлоғимизга бир келиб кетинглр, Зора ўшанда яхши ўзгарилар бўлиб, ҳаётимиз ўз изига тушиб кетса.

Қишлоқдошлар номидан

Қувондиқ САФАРОВ

(шикоят хатига жами 34 киши имзо қўйган)

Ҳай таърифсиз босилмоқда

САРСОНГАРЧИЛИКНИНГ ЧЕКИ БОРМИ?

Хурматли тахририят ходимлари! «Нуқуқ» газетасининг ҳар бир сонини мунтазам ўқиб борамиз. Бизга айти пайтда бир масалани ечимини топишга кўмак бериб юборсангизлар.

Биз ишлаётган «Шахло» хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмаси (сотувчи) билан Қўжон шаҳрида истиқомат қилувчи хусусий тадбиркор У.Мингбоев (харидор) ўртасида 2001 йил 25 октябрь кунини имзоланган 10/25 сонли шартномага биноан сотувчи харидорга ҳар бири 700 сўмдан бўлган 10000 дона «Уч юлдузи» коньяк спиртли ичимлигини етказиб бериш кўзда тутилган эди.

Шартнома шартлари бажарилиши таъминлаш мақсадида харидор, яъни тадбиркор У.Мингбоев томонидан юборилган 15 Д 5126 номерли «КамАЗ» автомашина ҳайдовчилари томонидан унга ҳар бири 700 сўмдан 9300 дона, 6 млн. 510 миң сўмлик коньяк ичимлиги етказиб берилди.

Хусусий тадбиркор У.Мингбоев томонидан товар текширилганда унинг сифати талаб даражасига жавоб бера олмагани боис махсулот суммаси тўланмади.

Биз Фарғона вилоят адлия бошқармасига жавобгар У. Мингбоевдан махсулот қийматини ундириш учун ариза тақдим этган эдик. Адлия бошқармаси ушбу аризани ижобий ҳал қилиш мақсадида фуқаролик ишлари бўйича Қўжон туманлараро судига жавобгар У.Мингбоевдан махсулот қиймати 6 млн. 510 миң

сўм, пеня миқдори 3 млн. 255 миң сўм ва жарима 9 млн. 976 миң 500 сўм, жами 19 млн. 741 миң 500 сўмини ундириш ҳақида даъво ариза киритди. Ушбу даъво 2003 йилнинг 22 августда фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон туманлараро суди (раислик этувчи Б.Раҳмонов) қўриб чиқиб, даъво суммаси тўла қаноатлантирилиб, давлат фойдасига қўшимча 2 млн. 148 миң 300 сўм ундирилди.

Ўз вақтида суднинг ҳал қилув қарори ҳақидаги ижро варақа Қўжон шаҳар суд департаментига ижро этиш учун юборилган бўлса-да, департамент ходимлари уни бажармади. Шундан кейин ушбу масалани ижобий ҳал қилиш учун турли ташкилотларга мурожаат қилдик.

Қўжон шаҳар суд департаменти ходимлари томонидан аризамизга жавоб хати келди. Унда кўрсатилишича, У.Мингбоев тасарруфлида бўлган «Жигули» автомашинаси суд қарорини қонуний қўлга киришига қарамай сотиб юборилган ва айти пайтда суд департаменти томонидан ушбу автомашина қидирилаётганиги қайд этилган.

Аммо, сотилган автомашина қачон топилади-ю унинг битими бекор қилиниб, суд қароридан кўрсатилган суммалар ундирилиши қачон таъминланади?

Сизлардан илтимос, бизларга ушбу масалани ижобий ҳал қилишда ёрдам берсангиз.

Х.АВАЗОВ,

«Шахло» фирмаси директори

ШУ ТУҒРИМИЗ?

Мен 1995 йил 30 декабрда Республика Давлат сугурта бошқармасига қарашли Қорақул туман сугурта муассасаси билан қўшимча пенсияга сугурта қилиш тўғрисида шартнома тузиб, 206-сонли ғувоҳнома олган эдим. 1996 йил 27 март кунини ташкилот газнасига шахсий жамғаримдан 22.438 сўм тўлаганман.

Шартнома мuddати 2003 йил май ойида туғди. Шундан кейин «Ўзгросугурта»нинг туман бўлимига мурожаат қилсам, бўлими назоратчиси ДАСК бошқарувчисининг 2001 йил 22 январдаги 5-сонли қарорига асосан қўшимча нафақа бадалларини ташкилот ҳисобидан тўлаган мижозлар 2002 йил 10 апрелда тасдиқланган жадвалга асосан қайтадан 649.839 сўм қўшимча пул тўлаши лозимлигини билдириб, ҳат бериди. Қайта-қайта тушунтиришларимни фойда бермади. Ахир мен ҳеч қандай ташкилот ҳисобидан пул тўлаганми йўқ-ку. Пуллари ўз маошим ҳисобидан тўлаганман. Шартнома шартини бажарганимга қарамай сугурта муассасаси ўз мажбуриятини бажармапти. Билишимча, туман бўйича 70 нафарга яқин менга ўхшаган нафақадорлар ушбу масалада овора бўлиб юрган экан.

Сизлардан илтимосим, ушбу муаммони ҳал этишда менга ҳуқуқий ёрдам берсангизлар.

М.ЧОРИЕВ,

Бухоро вилояти, Қорақул тумани

УСТОЗЛАР НОМИГА ЧИЗГИЛАР...

Ҳаётнинг маъноси орзу-ниятлар сари интилишининг гўзаллиги ва қудратидир. Шунинг учун инсон тирикликнинг ҳар дақиқасидан умумли фойдаланиши керак. Чунки ўз олдига қўйган мақсади учун бор кучини фидо этган кишигина ҳаётда бахтли бўла олади.

Ана шундай орзу-умид, мақсад ва интилиш менга том маънодаги чинакам бахтни насиб этди десам адашмайман. Орзумим сари қилган меҳнатларим туфайли 1999 йили Тошкент давлат юридик институтининг талабаси бўлдим. Бу ерда республика миқёсидаги энг кучли фан докторлари, фан номзодлари ва илмий иш устиди ишлаётган катта ўқитувчилар меҳнат қилади. Институтнинг жиноят ҳуқуқи кафедраси мудири, юридик фанлари номзоди Фарход Тоҳировни ҳамда фуқаролик ҳуқуқи кафедраси катта ўқитувчиси Муродил Баратовларни ана шундай устозлардан деб биламан.

Улар мавзунини тушунтириш ва изоҳлашда илоҳи борича келгусида талабалар оладиган билимларнинг умумий ва жузвий аҳамиятини асослаб беришга ҳаракат қиладилар. Одатда устозлар, яъни иш ўргатган, илм берган кишилар ойнага қиёбланади. Унга боқиб аксимизни кўрамыз. Ойна қанчалар тиниқ бўлса, бизнинг ишларимиз, мақсадларимиз, ютуқларимиз ва камчиликларимиз шунчалар ёрқин акс этади.

Фурсатдан фойдаланиб, устозларимга мустахкам соғлиқ, оилаларига тинчлик, ижодий баркамоллик, ёш ҳуқуқшуноқ кадрлар етиштириб чиқаришдаги фидокорона меҳнатларида омад тилайман.

Зарифа МАВЛОНОВА,
ТДЮИ сиртки бўлим талабаси

Жавоб

ОИЛА БЎЛИБ ЯШАШГА НИМА ЕТСИН

Мен Ўзбекистонда туғилган, лекин айрим сабабларга кўра ўз вақтида Тожикистонга кўчиб кетган Н.Атаев билан турмуш қуриб, бирга яшаётган эдим. Оилавий можаролар ва турмуш тарзимизнинг ёмонлашганлиги боис Сирдарё вилоятига, яъни mening ота-онамникига кўчиб келдик. Лекин шундай бўлса-да, эримнинг Ўзбекистон фуқаролигини олиш имконияти бўлмапти. Тожикистондан ҳам келиб-кетишлари жуда қийин. Чунки бунинг учун керак бўладиган виша олиш учун маблағимиз йўқ. Биз ҳам инсонлардек бутун оила бўлиб яшашни, бирга меҳнат қилишни орзу қиламиз.

Сизлардан маслаҳат ва нажот кутиб қолувчи,

Ф.ИРИСМАТОВА, Сирдарё вилояти

Сирдарё вилояти ИИБ ҳоризжа чиқши, келиш ва фуқаролик бўлими томонидан фуқаро Ф.Ирисматованинг аризаси атрофида ўрганиб чиқилди. Масалани оидинлик киритиш мақсадида, Ф.Ирисматова билан учрашиб, Тожикистон фуқароси Н.Атаевнинг Ўзбекистонда доимий яшашга қолиши ва яшаш ғувоҳномаси билан ҳужжатлаштирилиши масалалари Республика Президентининг 1999 йил 26 февралдаги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 апрелдаги қарорига мувофиқ қўриб чиқилиши

маълум қилинди.

Тожикистон фуқароси Н.Атаевнинг Ўзбекистонга кириши ҳозирча икки республика ўртасида 2000 йил май ойида имзоланган битимга мувофиқ виза орқали амалга оширилади.

Фуқарога Ўзбекистонда доимий яшашга қолиши тўғрисидаги ҳужжатларини топишириш тартибини тушунтирилди.

Ш.ТОҒИБОВЕВ,

Сирдарё вилояти ИИБ ХҲК ва ФБ бошлиғи, милиция подполковниги

Газетанг сўз сўрайди

ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАҚИДА ЁЗИНГЛАР

Шундай одамлар борки, ўзларининг сеvimли нашини бир кўздан кенчириб, ҳумдоран чинақунча уйқиси келмайди. Мен пенсияга чиққунимга қадар ўқитувчилик қилиб келдим. «Нуқуқ» газетаси илосомандларидан бириман. Бу йил ҳам газетига обуна бўлдим. Уттан йилги сонларининг ҳаммасини тартиб билан тикиб, сақлаб келаяпман. Қўни-қўшини, ёру биродарларимга ҳуқуқий ёрдам қили маслаҳат керак бўлса уларни саҳифаларидан топиб бераман.

Айрим муаммолар масалалар бўйича эса тахририятнинг Қорақулпоғистон бўйича муҳбири Н.Оқназаровага мурожаат қиламиз. Мухбир ариза мазмунидан келиб чиққан ҳолда дарҳол тегишли ҳақуқлар билан боғлиниб, имкони борича масалани туманнинг ўзида ҳал этишга ҳаракат қилибди. Бу албатта фуқаро учун кўплаб сарсонгарчиликлар ва моддий қийинчилик туғилмаслигининг энг мақбул йўлидир.

Кейинги вақтда газетда кизикарли мақолалар берилмоқда. Бу жуда яхши. Шу ўринда сизлардан илтимосим, тадбиркорлар тўғрисида, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлар ҳақида ҳам кўпроқ мақола бериб борсангизлар айти мудида бўлур эди. Чунки мен пенсияга чиқиб, «Шаллон» хусусий фирмасини ташкил этганман. Шунинг учун баъзида иш юзасидан ҳуқуқий масалаларда қийналиб қоламан. Вақти-вақти билан соҳага оид маслаҳатлар бериб борилса кўпчилик учун қўнғилдагидек иш бўлар эди.

Кевлужай СИСЕНБАЕВ,
Ўзбекистон халқ таълими аълочиси

BAG'RIKENGLIK

ОЗОДЛИКНИНГ
ҚАДРИГА ЕТИНГ

Тўғри йўлдан адашиш — одамзотга хос қусурлардан бири. Тўғриси, гуноҳсиз инсоннинг ўзи йўқ. Энг асосийси, киши ўз хатосини тан олиши, чин дилдан пшаймон бўлишида. Халқимиз азал-азалдан бағрикенглиги, кечиримлилиги билан маълум. Мустақил давлатимизнинг бугунги сиёсати ота-боболар аънаналарига ҳамоҳанг, десак асло хато бўлмайди.

Истиклол йилларида юртбошимизнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида йўлдан адашганларга нисбатан инсонпарварларча муносабатда бўлиш устувор вазифага айланди. Мухим сана ва байрамларда эълон қилинаётган амнистиялар бунга ёрқин мисол бўла олади. Мамлакат Президентининг 2003 йил 1 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституция қабул қилинганлигининг ўн бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармони ёмон йўللarga кириб қолган шахслар учун яна бир синов бўлди.

Амнистия актини маҳкумлар ва уларнинг қон-қариндошлари, кенг жамоатчилик катта хурсандлик билан кутиб олди. Аммо, унинг мазмун-моҳияти, авф йўналишларини барча бирдек тушуниб етгани йўқ. Шу боис Бухоро вилоят прокуратураси органлари меҳнат жамоалари, маҳалла ва қишлоқлар, таълим-тарбия масканларида учрашувлар, савол-жавоб кечалари ўтказди. Оммавий ахборот воситаларида кўплаб чиқишлар қилинди.

Қўридаги амнистия акти бўйича биргина Бухоро вилоятининг ўзида 894 нафар киши авф этилди. Кўплаб маҳкумлар жазони ўташ муддатидан олдин озод этилдилар, айримларининг жазо муддати тегишлича қисқартирилди. Судлар томонидан 189 нафар шахсга нисбатан мазкур амнистия қўлланилиб, 162 нафари жазодан озод қилинди.

Озодликка чиқётган маҳкумларга тегишли ҳужжатлар билан бирга йўл ҳақи учун пул берилиши, белгиланган манзилга кузатиб қўйиш қатъий назоратга олинган. ЖИЭМлардан қайтган шахсларни тиббий, ижтимоий реабилитация қилиш, меҳнатга йўналтириш ва моддий ёрдам кўрсатиш доимий эътиборда. Шаҳар ва туман ички ишлар идоралари, ижтимоий кўника марказлари ҳамда меҳнат бўлимлари ҳамкорлигида озодликка чиққанларнинг 38 нафари ишга жойлаштирилди, 46 нафарига 1 миллион 357 миң сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Бу борадаги ишларни янада жонлантириш жазони ўтаб келган фуқаролар қайтадан жиноят йўлига кирмаслигини таъминлади, албатта.

Амнистия акти билиб-билмай ноҳўя хатти-ҳаракатларни содир этганлар учун синов. Буёғи уларнинг бундан тегишли хулоса чиқаришига боғлиқ.

Иброҳим ЁРМУҲАММЕДОВ,
Бухоро вилоят прокуратурининг катта ёрдамчиси

«БОШҚА ЖИНОЯТ
ҚИЛМАЙМАН...»

Амнистия эълон қилинди. Жазони ўтаётган маҳбус авф этилиб озодликка чиқди. Инсонпарварлик тантана қилди. Уз оиласи, ёру биродарлари бағрига қайтган собиқ маҳбуснинг келажаги ҳақида энди ким қайғуради? Унинг яна жиноят содир этмаслиги, оиласида, жамиятда муҳим ўрин эгаллаб олиши учун нима қилмоқ керак?

Республика Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Конституция қабул қилинганлигининг ўн бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармони ижроси прокуратура идоралари зиммасига ҳам масъулиятли вазибаларни оқийди. Утган вақт ичида фармон ижроси юзасидан кўплаб ишлар амалга оширилди. Ташкент шаҳри бўйича шу йилнинг 30 январига қадар фармонга асосан 666 нафар шахс жазони ўтатиш жойларида озод этилган.

Маълумки, барча иллатлар каби жиноятларнинг сабабчиси ҳам беқорчиликдир. Ақсар ҳолларда муҳтоблик келиб чиқишига ҳам фойдалли иш билан шуғулланмаслик сабаб бўлади. Ҳар иккаласи эса жиноятчиликка шароит яратади. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилганларнинг қайта жиноят содир этмаслиги ҳам айнан юқоридаги масалаларга боғлиқ.

Рўйхатга олинган шахсларнинг 560 нафари пойтахт туманларидаги меҳнат бўлимларига муурожаат қилишган. Уларнинг лаёқати ва имкониятларидан келиб чиқиб ишга жойлаштириш, зарурат бўлса касбга ўқитиш кечиктириб бўлмайдиган вазибалар сирасига қиради. Айни пайтгача 323 нафар шахс ишга жойлаштирилган, 27 нафар шахс касбга ўқитишга юборилган. Аммо текиришлар давомида бу йўналишда ҳам айрим камчиликларга йўл қўйилаётгани аниқланди.

Жазони ижро этиш муассасаларидан озодликка чиққан шахсларнинг жамиятимизда ўз ўрнини топиб кетиши ижтимоий мослаштириш марказлари фаолиятига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Айни пайтгача пойтахтимиздаги ана шундай марказларга 631 нафар собиқ маҳбуслар муурожаат этишган. Улардан 601 нафарига жами бўлиб 19270040 сўм миқдорда моддий ёрдам пуллари берилди.

Бироқ барча марказларнинг иши қўнғилдайдиган деб бўлмайди. Масалан, Сергели туман ижтимоий мослаштириш марказида ўтказилган текирувда ЖИЭМлардан озодликка чиққан шахсларга моддий ёрдам пули бериш лозим даражада ташкил этилмаганлиги аниқланган. Бундай масъулиятсизлиги учун марказ раҳбари жиддий огоҳланрилди.

Кўрсатилётган инсонпарварлик муносабатлари, аввало амнистия, ундан сўнг ижтимоий қўллаб-қувватлашлар унинг қалбида: «Энди жиноят қилмайман. Мана шу буюк халққа, инсонпарвар жамиятга муносиб бўламан», деган туйғунни уйғотса ажаб эмас.

Мазкур йил президентимиз ташаббуси билан «Меҳр ва муруват йили» деб аталди. Яхши ниятлар билан улкан ишлар бошлаб юборилди. Ҳайратлиқ, ижтимоий кўника марказларидан олиб борилаётган ижобий ишлар ана шундай улуғ ишларга ҳисса бўлиб қўшилиди.

Жаҳонгир ХУСАНОВ,
Тошкент шаҳар прокуратурасининг бўлим прокурори

AROQHO'RLIK — ILLAT

Жалолқудуқ туманида яшовчи Собир Маҳмудов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳайдовчи бўлиб ишларди. Машинаси тез-тез бузилавергани боис, у корхона раҳбариятидан янги машина беришларини сўради. Улардан раджавобини эшитгач, ишдан бўшатишларини сўраб ариза ёзди. У устачилик ва сувоқчилик ишларини яхши билгани учун қишлоқда қурилатган янги йилларда турли юмушларни бажариб юрди. Баъзан одамларнинг қўлида пул бўлмай, қўрилишларини битказса олмайд қолган кезлари Собир Андижон шаҳрига келиб, 5-10 кун ишлаб, пул топиб кетарди. Ишлаб топган пулининг бир қисmini турмуш ўртоғига олиб борар, қолганини эса спиртли ичимлик ичишга сарфлади. У қаерда ишласин, ўзига ўхшаган ичкиликка муккасидан кетган одамлар билан теда тил топишиб кетарди.

... Шу кун Собир бажарган иши учун хонадон соҳибидан 10 миң сўм пул олди. Ҳар доимгидек гавжум ошхоналарини бирига кириб, «яриятгани бир ўзи бўшатди. Ширақайф бўлиб қолган Собирнинг ёдига бирдан Андижон шаҳридаги касалхоналарнинг бирида довланаётган узок қариндоши тушиб қолди: «Бечоранинг биздан бошқа яқин кишилари йўқ, уни кўриб, ҳол-аҳвол сўраб қўйсам, яхши бўларди».

Шундай ўй-хаёллар билан бозорлик қилиб, касалхонага келди. Бемаҳалда йўқлаб келган Собирни кўриб бемор биров таажубланди, сўнра унинг маст эканлигини билиб, кўнглига гулгула тушди: — Тинчликми, ака! Қоронғида шахарда нима қилиб юрибсиз? — Тинчлик, синглим. Шаҳарда устачилик қилаётган эдим. Бугун ишим тугади. Қишлоққа кетаётиб, бир сени кўриб кетай, дедим-да... У шундай деб, қўлидаги нарсала

ларни беморга бериб, ортга қайтди. Касалхона дарвозаси олдида Собир шу ерда довланаётган Нурмуҳаммад исми йигитча дуч келди.

— Ака, битта чектирмайсизми? Собир унга чўнтагидан бир донга сигарет чиқариб берди ва ўзи ҳам унга шерик бўлди. Шошиб қаёққа ҳам борарди. Сигарет чекиб баҳонасида Нурмуҳаммад анданан буюн довланаётгани, ичкилик ичиб туришга бу ерда имконият йўқлиги ҳақида нолиб қолди. «Бир кўрган таниш, икки кўрган қариндош» мақо-

акс ҳолда ўлдиришини айтди. Собир ундан ҳеч қадай қарзи йўқлигини писанди қилгач, унга пичоқ билан ташланди. Пайт пайлаб турган Собир Нурмуҳаммадининг қўлидан пичоқни тортиб олди-да, қоча бошлади. Лекин қайфи борлиги учун узокқа боролмади. Орқасидан етиб келган Нурмуҳаммад унга ташланди, дуч келган жойига ура бошлади. Оғриқлар зарбидан ғазабини боса олманган Собир унинг орқа томонига икки-уч марта пичоқ тикди...

Нурмуҳаммад ҳолсизланиб, касалхона дарвозаси томон эмаллаб кета бошлади. Лекин олган тан жароҳати туфайли кўп қўнғилотгани учун касалхонага етиб боролмади...

Собир эса жиноятини яшириш мақсадида ашёвий далил — қонга беланган пичоқни йўловчи машинада қолдириб кетди.

Мазкур жиноят иши бўйича гумонланиб ўшланган Собир айбига тўлиқ иқдор бўлиб, бундай хатти-ҳаракатларини мастликка йўлмоқчи бўлди. Аммо унинг ваҳ-қарсонлари асосис эди. Яқинда бўлиб

ўтган суд унинг қилмишига яраша жазо тайинлади.

Ҳа, яқиндагина улар бир-бирларини мутлақо танимасдилар. Таниш тугул, ҳатто бир-бирларининг етти ухлаб тушларига ҳам қирмагандилар. Аммо бугун уларнинг ўртасига ароқ тушиб, икки нотаниш инсон ичкилик бахона бир-бирларига дўст тутиқдилару, шу пайтнинг ўзида душманлик уруги сочилди. Бу уруғ ерга шунчалик чўқур қадалдики, охири оқибатда бир инсоннинг қўли қонга беланиб, бир умрга лаънат тамгани сун бўйича осди, иккинчиси эса соғлиқ-саломатлик тилаб келган дароҳнинг остонасида ўз ўлимини тилаб олди.

Фахриддин ТҶҲАТИНОВ,
Андижон шаҳар прокуратурасининг иш ўрганувчиси

«ОХИРАТИМ КҮЙДИ-Я!»

Жазони ижро этиш муассасасининг маҳкумлар яқинлари билан диёдорлашадиган учрашув жойининг қабулчиси. Бу жой дерили ҳар кун одамлар билан гавжум бўлади: элчилик дегандай, узок-яқиндан келганларнинг кети узилмайди. Кимдир турмуш ўртоғини, биров отасини, бошқаси укасини йўқлаб келган. Кўнчилик орасидан бир қарнининг гўл-сўзлари барчанинг эътиборини тортиди. Отаҳоннинг кўзларида лула мисол кўзойнак қўлида ҳасса (тўғрироғи, одам бўйи келадиган қийишқ таёқи) ушлаб олган), энг ачинарлиси, қўлоқлари ҳеч нарсани эшитмайди. Муассасанинг мутасаддиди ҳодим қўлидаги бошлагунча қария ўзи гапирди, ўзи қўйди. Қолганлар эса унинг гапларини эшитишдан бошқа илоҳ топмадилар. Шу сўз ҳам бу ерга келиш азоб-ўқубатини тортиб келганларнинг бир дардида ўн дард қўшилгандек бўлди.

— Ешим саксон олтида. Шу яқин орадаги қишлоқданман. Яёв келиб кетаман. Менга қолса, бирон марта ҳам келмасдиму кампиримнинг йиғлаб-сиқтаб жаврашидан бебор бўлиб яна йўлга тушаман. Қариганимда бу кўрғулик бошимга тушди. Бир эсам, икки ўғлим қамоқда. Айтсам тилим, айтмасам дилим қуяди. Шу ёшга кириб бирон инсон билан сен-мена борманганман. Ҳайдар бобо дейишса, қишлоқнинг катта-кичиги бирдек иззатини жойига қўйишди. Э, аттанг-а, нопок бола умрининг эгови бўларкан. Яхши қанд едирар, ёмон панд деган гап бекорга айтилмаган экан. Шунча йиллик тоат-ибодатим ҳаммаси қуйиб кетди. Мана шунисига ачинаман.

...Етти фарзандни ҳеч қимдан кам қилмай ўстирдик. Умр бўйи эл хизматида бўлдим. Рўзгоримга ҳаром-ҳайрат аралаштирдим йўқ. Кампирим ҳам қишлоқнинг қайнони аёлларидан.

Осудим билан Шўхратим мактаб дарвидаёқ «тилга тушишди». Текканга тегиб, темаганга кесак отиб дегандай ҳам мактабдагиларнинг, ҳам қишлоқдошларнинг жонини халқумига келтиришди. Ҳақиқат қириш, бирон хунанинг этагидан тутиш каби ўй-фикрлар улар учун ёт бўлди. Мен, онаси, акаларининг шунча қилган заррларимиз беҳуда кетди. Тақасалтанлик, қўнабозорлик ўғил-



Содир этилаётган жиноятларнинг аксарияти спиртли ичимликларни меъёридан ортиқ истеъмол қилиш оқибатида юз бермоқда. Маст ҳолда жиноят содир этилиши натижасида бегуноҳ инсонлар бир умр ногирон бўлиб қолмоқдалар ёки ҳаётдан бевақт кўз юммоқдалар.

л и г а
амал қилдилар чоғи, биргалашиб кўчага чиқдилар ва дўкдан битта винони олиб бўшатишди. Кўп ўтмай уларнинг ҳақалак отган нафслари иккинчи шишани талаб қила бошлади. Биринчи бўшатишдан винонинг пулини Собир тўлагани боис иккинчисига Нурмуҳаммад чўнтагидан икки юз сўм чиқарди. Собир пулга 300 сўм қўшиб, яна битта вино олиб келди.

Нурмуҳаммад теда маст бўлиб қолиб, улфатини қурақда турмайди-ган сўзлар билан ҳақоратлаб бошлади. Собир гапни индамай ютиб кетадиганлар сирасидан эмасди, у ҳам жавобан болаҳонадор қилиб сўқинди. Охир-оқибат ўртада олишув бошланди. Собирнинг бир-икки зарбасидан йиқилиб тушган Нурмуҳаммад кўнидан пичоқ чиқарди-да, ундан пул беришини талаб қилиб,

ларим учун одатга айланди. Қишлоқда ўтадиган бирон тўй-маррага йўқки, жанжал бўлмаса. Ичкилик ичиб олиб ўйин кўрсатади. Бу жой билан Шўхратнинг қораси кўриниши билан тўй эгаси юрак ховуқлайди: нима бўлса ҳам ўзинг шарманда қилма, бу бепадарларга инсоф бергин дейишди.

Икки-уч йил ичида қанча кишиларнинг тўйи можарога айланмади дейсиз. Юзи-қоши ёрилган, майиб бўлган қишлоқ бор дардини ичга ютишди. Мелиса ҳам охириги пайлар бу икки бетамизнинг хурмачадан ошқича қилиқларидан бебор бўлди. Мен билан онасининг эса кечирим сўраб, ялиниб-ёлвориб бош эгиб борман хонадонимиз қолмади. Қозикдаги қўй-қўзиларнинг беҳудига совирланини айтиб ўтирмасам ҳам бўлади.

Уша кунчи ҳам бир қишлоқдошимизниқанда тўй бўлди. Ҳўғилларим — айтилмаган меҳмонлар, элдан аввал тўйга шайланишди. Мен бечора эса доимий зоримни қилиб қолавердим:

— Оч болаларим, бировга озор берманглари. Сизлар тинч-омон йўлга қайтмагунча мен ва онангизнинг ҳаловати йўқ...

Тонг отди ҳамки, улардан хабар бўлмади. Туришимни кўриб турибсизлар, кўзим кўрмайди. Жон талваса қилиб тонгни оттирдим. Онаси-ку шу кеча адоий тамом бўлди. Кимдир болаларимни ўлдириб қўйган деб хавотирланди. Афсуски, аксинча, менинг ўғилларим киминдир чалажон қилиб қўйишди. Барига ичкилик сабаб. Анқиқи, яхши ният қилиб бошланган тўй қандай раун тоған?! Қўнчиликнинг жонига мелиса ора кириб, «зўравон» ўғилларининг олиб кетиб қамашган. Тинмасанг тинарсан деганларидек биз ҳам, бошқалар ҳам бу иккисидан қулугандек бўлдик. Иккови ҳам узок муддатга темир панжара ортидан «қўним» топишди...

— Ўзи аслида нопок болани воғга етказган ота-онани яратмасин экан-да, — дея отахон кўз ёшларини артганча жимиб қолди...

Соҳибжамол АМИНОВА,
журналист

2004 YIL — MEHR VA MURUVVAT YILI

Сарлавҳани ўқиган киши, тошкентликлар шеваси билан айтганда, жа жун нарсая...

«Май бхўр, муҳсаф бсўзу оташ андар Каъбазан, Сокини бутхона бошу мардум озори макун».

Ўйланиб қолдим. Навоий бобомиз демишларки:

Кимки бир кўнгли бузуқшиг хотирин шод айлагай, Онча борким Каъба вайрон ўлса обод айлагай.

Эҳтимол, бобомиз Ҳофиз Шерозийдан илҳомланиб, ушбу ажойиб байтни битгандирлар...

Шоҳбайт Конституциямизни эсга солиди «...инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадри...

Сурхондарёликларнинг бир мақоли бор: «Тўйганга тўқилининг гўшти тупроқ тотийди».

«...инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадримматти ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади».

Янги йил олдидан шундай топириқ бўлди: қаерда ишлагандан қатъи назар, ҳар бир ҳодим иш ҳақини олиши керак.

QILMISH — QIDIRMISH

Бор экану йўқ экан, эл фаровон, тўқ экан. Ширмойкулча томонда, Жондор отлиг туманда...

Изоҳ: Исомиддин Сатторов, 1963 йилда Жондор туманида туғилган.

Исомиддин тadbirkorликни нимадан бошлаш учун кўп бош қотириб ўтирмайди.

Унинг шижоатини маъжул билган солиқчилар тегишли гувоҳнома тўғрида беришди.



дага бош қўйишдан-да аёлроққидир бу.

Яқинда йил якунида бўлиб ўтган ҳайъат мажлисида ҳам қатъий гап айтилди.

Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўзларини қайта-қайта ўқийман...

«Меҳр-муруват деганда, биз...» Яна ўқийман «...одамларимиз қалбида эзгу туйғулارни уйғотишни давом эттириш...

Ҳа, ўзбекистонликман дегани улкан ақл ва қалб соҳиби бўлиши шарт.

Янги йил арафаси эди. Вилоят прокуратураси касабая уюшмаси раиси Абдували хонага ҳовлиқиб кирди.

— Довуд ака, бўлинг, кўнглингиздан чиқаринг энди, ташланг, муҳтожларга хайрия.

Чўнтагимни қовлайман.

— Бўлади, бўлади, — шошилиб бошқа хонага ўтиб кетади.

Кейин айтиб беради. Қарши шаҳридаги «Нуристон» маҳалласидаги кам таъминланган, ногирони бори оилаларга шу таразда қувонч улаштирибди.

— Ассалому алайкум, момо. Мен вилоят прокуратурасиданман. Янги йил билан табриклагани келдик.

Балки бу биз ўрганиб қолган оддий дуодир.

Аммо чин кўнглидан айтилган дуо кучли бўлади. Кўзингдан ёш чиқиб кетади.

Ватанпарварлик, меҳру оқибат ҳақида узоқ гапирлиш мумкин. Лекин барчаси биргина бечоранинг кўнглини олганга етмайди.

Яна Ҳофиз Шерозийнинг бир латиф байти эсга келади:

Ўй соҳиби қаромат, шуқронае саломат, Рўзи тафакқури кун дарवेशи бенавора.

Яъни: Ўй, ҳурматли саломатлик шуқронасин қилган зот, Бечора дарवेश ҳолидан хабар ол.

Эҳтимол, айримлар яна бошқачароқ, диний йўсинда талқин қилар. Аммо шоир фақат ўзининг эмас, бошқаларни ҳам ўйла, эзгулик билан шугуллан, деганлиги аниқ.

Буни ёзманг дейишган бўлса ҳам ёзаман. «Муруват уйлари»нинг, қишлоқдаги ноchorоқ оилаларнинг фарзандлари маҳкамага тақлиф қилиниб, «Арча» байрами ўтказиб берилди.

Прокуратура ходими формасидаги кишини кўрганда одамлар кўнглини хайқиж, кўрқув эмас, меҳр, эҳтиром туйғулари чулғаса не ажаб.

Юртбошимизнинг Самарқанд вилояти Халқ депутатлари кенгашида сўзлаган нутқидан шундай фикрларни илғадим: «Бировга яхшилик қилсанг, ўзинг роҳат қиласан»...

тимиз бўлсин» ва ҳоказо. Демак, яхшилик, яхшилик.

Кечагина прокуратура фахрийси Жамолхон Саидхоновни туғилган кунини билан қутлагани уйига бордик.

Буюк Навоий тили билан айтганда, бир кўнгли обод бўлди, янада...

«Мардум озори макун». Кишига озор етказувчи бўлма. Қурбон ҳайити мусулмон оламнинг энг азиз байрамларидан бири.

«...2004 йилни «Меҳр ва муруват йили» деб эълон қилиниши ҳар бир инсон қалбини эзгу ҳиссиётлар билан тўлдирди.

«Адолат кучи» газетасида чоп этилган «Геран томирлар» сарлавхали мақолисида шундай ёруғ гаплар бор:

«...2004 йилни «Меҳр ва муруват йили» деб эълон қилиниши ҳар бир инсон қалбини эзгу ҳиссиётлар билан тўлдирди.

Эзот етказувчи бўлма... Ҳаёлимда қанотли сўзлар чарх ураверди.

Хаволида меҳр қўйиш, Қўйиш-ки, бир сеҳр қўйиш, Кўнглиллари мунаввар этсан, Зиё бу — ҳақ сўзинг зиёси Олам узра сочилиб кетди.

Мажруҳ дилин тарк этди алам, Гирён кўздан кўтарилиб нам, Бундай бўлмас олтин берсанг нам, «Муруват» деб бериладиган ҳам Йил ҳам гулдек очилиб кетди.

Довуд МАҲДИЙ

МУҒОМБИРЛИК ТЎНИДАГИ ТАДБИРКОРЛАР

ди. Кимдир унга «ога»лик маслаҳати билан, кимдир сохта «куончаклик» билан турли йўл-йўриқлар кўрсатади.

2000 йилнинг 1 июли Исомиддин тadbirkorлик фаолиятини тўхтатишга қарор қилганини айтиди.

Тажрибаси ошгани сари унинг мушугини ҳеч ким «пишт» деёлмасмиш.

Кунлардан бирида шахсий машинасини товарга тўлғазиб дўконга яқинлашган «мудир»нинг кўнгли аллақандай нохушликни сезгандек бўлди.

рувчилар калаванинг учини толган, кунда синмаган кўза кунда синиши аён бўлганда.

Исомиддин 2002 йили 12 апрелдан 2003 йилнинг 25 мартига қадар «Замин банк»нинг Бухоро вилоят бўлимидаги ҳисоб рақами орқали 7.999.361 сўмлик фаолият юритиб, солиқ тўлашдан бўйин товлаганлиги фош этилади.

Унинг ушбу жинойи ҳаракати учун қонуний чора кўриш лозим топилди.

Худди шу ер-мақонда, Жондор деган томонда, омон-омон замонда Бобомурод Насуллаев деган яна бир «тантани» тadbirkor истижомат қилар экан.

Таассуфки, туман солиқ инспекциясидан рўйхатдан ўтишни у ўзинга эп кўрмайди.

Қонунларни менсимаслик, оқибатини ўйламай иш юритиш бундан-да серғалва натижалар билан тугаши турган гап.

И.Сатторов, Б.Насуллаевлар суднинг қора курсида мулазм бўлиб қилмишларига иқдор бўлишди.

Умид НУРУЛЛАЕВ, Жондор туман прокуратураси терговчиси. Собир САНОВЕВ, журналист

FARMON VA IJRO

Халқимизга кўрсатилаётган тиббий хизматни ҳар тарафлама яхшилаш мақсадидаги саъй-ҳаракатлар кенг қўламли ислохотларнинг таркибий йўналишидир. Бунда, айниқса, Президент Ислом Каримовнинг 1998 йил 10 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш давлат дастури тўғрисида»ги Фармон ва Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 15 февралдаги «Соғлом авлод» давлат дастури тўғрисида»ги қарори катта аҳамиятга эга бўлди. Тараққийнинг мана шундай эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда юртбошимиз 2003 йил 26 февраль кунини «Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислох қилиш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди.

Унда соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларни чуқурлаштириш, мамлакатимизда ҳаҳон талаблари даражасидаги юқори технологияли, ихтисослаштирилган тиббий марказларни шакллантириш, илғор тиббий технологияларни кенг жорий этишни ташкилий, молиявий-иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларини вужудга келтиришдек улкан мақсадлар ўз ифодасини топган.

Бироқ Шовот тумани марказий касалхонасига қарашли қишлоқ врачлик пунктлари ва амбулаторияларида юқорида номлари келтирилган қонун ҳужжатлари талабларини амалга ошириш кўнгилдагидай деб бўлмайди.

Туман прокуратураси томонидан 2003 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида барча қишлоқ врачлик пунктлари (ҚВП)да текшириш ўтказилганда бу ҳолат ўз ифодасини топди. Текширишда айрим ҚВП мудири ва ходимлари ўз хизмат вазифаларига лоқайдлик билан қараб, қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйганликлари аниқланди. Жумладан, «Махтумқули» ҚВП мудири Х. Ражабов, «Ўзбекистон» ҚВП мудири Ф. Бекчанов, «Меҳнатобод» ҚВП мудири Б. Матрасулов, «Хоразм» ҚВП мудири Д. Тожиев, «Сохибкор» ҚВП мудири О.Машариповалар аҳоли ўртасида касалликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш

НАЗОРАТ БЎЛМАГАЧ...

чораларини кўрмаганликлари маълум бўлди. Шунингдек, бу бокибеғам мудирилар ҚВПларнинг замонавий имкониятлари борасида тарғибот ишларини олиб бормаганлар. Оқибатда даволash шаҳобчасида барча турдаги тиббий хижозлар етарли бўлса ҳам, кунига 15-20 беморни қабул қилиш ўрнига атиги 2-3 бемор кўздан кечирилган. Бу ҳам етмагандек, юқорида номлари тила олиб ўтилган ҚВПларда ЮНИСЕФ ташкилоти томонидан ёш болалар ва ҳомилдор аёлларга ишлатиш учун берилган дори-дармонлар катта ёшдаги кишиларга ишлатилган. «Махтумқули» ҚВПда ҳудудда бемор деб топилган болаларни соғломлаштириш ишлари, бирламчи тиббий хужжатларнинг юритилиши қонирасиз аҳволда олиб боришган бўлиб, 32 та ҳолатда тиббий назоратга олинган хаста болалар умуман соғломлаштирилмаган. Диспансер назоратига олинган касалларнинг айримлари амбулатория карталари ўрганиб қўрилганда, улар зарур бўлган мутахассисларга кўрсатилмаган. Бинонинг санитария ҳолати борасида-ку, гапирмай қўқолайлик. Дезинфекция вивиситлари йўқлигига-ку чидаса бўлар, бироқ оддий усулда пол, эшик ва деразаларнинг тозаланишига нима дейиш мумкин?

Бундай салбий аҳволни «Айиртом» ҚВПда ҳам учратиш мумкин. Бу ерга Б.Султонов мудири қилиб тайинланган кундан то текшириш ўтказилган кунгача қишлоқ аҳолисида бирорта одамни тиббий кўриқдан ўтказмаганини қандай изоҳлаш мумкин?

Қишлоқ врачлик пункти — даволаш-профилактика муассасаси сифатида, бириктирилган аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган бўлса-да, «Дўстлик» ҚВПда беморларни даволаш учун зарур бўлган ЭКГ тиббий жиҳози йўқ, «Қиёт» ҚВП эса тиббий асбоб-ускуналар билан умуман жиҳозланмаган.

Кўпгина шаҳобчаларда биололарнинг капитал таъмирдан чиқарилмагани учун аҳвол гоятда ачинарли ҳолга келиб қолган. «Шовот» деб номланмиш муассаса биносининг деворлари нурагани ва хоналарнинг чанг босиб ётганини кўрган соғлом кишининг таъби тирриқ бўлиши шубҳасиз.

«Айиртом»нинг ишга тушганига бир йил бўлган бўлса ҳам бинога ҳали ҳануз электр энергияси ўтказилмаган. Натijaда замонавий тиббий асбоб ускуналар ишлатилмасдан ётдиби.

«О.Хидиров» номи ҳамда «Ўзбекистон» ҚВПларида болаларни эмлаш ишларини қонқарли деб бўлмайди. Бирламчи тиббий хужжатларнинг ўйда-жўдаллигини кўриб қулишиям, куйишиям билмайсан, кишин.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Шовот туман марказий шифонасига қарашли ҚВПларда фарқларни соғломлаштириш борасидаги дастлабки ишлар тўғри ташкил қилинмаган. Айрим ҚВП мудири томонидан дори-дармонларнинг белгиланган тартибда сарфланиши назорат остига олинмагани босиб тиббиёт ходимлари уларни ўз фойдасига ўзлаштириб, талон-тарож қилганликлари ҳам аниқланди.

Қайд қилинган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш чоратадбирларини кўриш ҳақида Хоразм вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ҳамда туман ҳокими номига тақдимнома киритилди.

Туман марказий шифонасига қарашли ҚВПларда аҳолини соғломлаштириш борасида «Соғлиқни сақлаш тўғрисида»ги қонун талабларининг бузилишига марказий шифона ҳарбирияти ҳамда туман ҳокимлигининг масъул ходимларининг бу борадаги назорат ишларини ўз ҳолига ташлаб қўйганлиги сабаб бўлган. Уйлаймизки, амалдаги йилда ўтган йили йўл қўйилган камчиликлар ўз вақтида бартараф этилади. Эеро, элга хизмат — олий ҳиммат, деган ҳикматнинг ҳаётий исботи, аввало, халқимизга малакали тиббий хизмат кўрсатишида яққол кўзга ташланади.

Гулибой ЯНГИБОВ,
Шовот туман прокурори

AFSUS

БЕХОСИЯТ ТҶУН

Кўёш тафти баланд. Элас-элас эсаётган гармисел ёз чилласи дарак беради. Табиат бор саховати билан сепини ёйган. Пишиқчилик.

Михаил Зорин тақдир тақозоси билан Пермдан бу ерларга келиб қолганига кўп йиллар бўлган. Буни ҳатто ўзи зўрга эслайди. Газли шаҳридан кўноқ топди. Уша ердан уй олғач, ҳовли атрофини ободонлаштиришга киришди. Турли мевали дараклар ўтказиб, боғ барпо этди. Пенсияга чиққан чол томорқа-ю боғига янада боғлини қолди.

Баҳор серёгин келганига қарамай, ҳосилнинг чўғи баланд. Чол атрофини айланар экан, ҳаётда ҳеч бўлмаса боғи ундан ном қолдираганини ўйлаб таскин изларди. Ҳа, яшаб ўтган умридан унинг афсуси бор эди.

Инсонлар баъзан ҳаёт шифқатсиз дейдилар. Буни бошқача талқин қилинса, ҳақиқатга яқинроқ: инсон ўз тақдирига нисбатан шифқатсиздир. Билиб туриб сўқмоқ йўлни танлайди. Михаил Зорин ҳам айни кўчга тўлган вақти ёмонларга эргашди. Бу йўли қамоқ жазоси билан хотима топди. Яхшиямки, оила деган кўрғони уни яна ўз паноҳига олди.

Шулар ҳақида ўйлар экан, чол ўғилларини эсларди. Улар воёга етган, Россияга кетиб қолишган. «Қани энди орамиз яқин бўлса-ю, мана бу мевалардан татиб кўришса», — хаёлидан ўтказди чол. «Эх, соғинч ёмон экан...».

Аёли Зоя ҳам ҳадемай пенсияга чиқди. Охириги пайтлар унинг соғлиғи панд бераяпти. «Болалар келиб бир кўриб кетишса ёмон бўлмасди».

Боғ четидagi мевали даракт шоҳининг синиб ётганини кўриб, бирдан чолнинг газзоби қайнади. — Ҳа, зумрашлар... — русча-лаб ҳақоратнинг инига ўт қўйди. — Сўрасаларинг-ку бераман. Бу ланъатилар дастидан фойда қўрар кун борми?

Чўтлаб қараса, ҳақиқатан ҳам шунча мевали дарактлари бўла туриб, бирор йил даромад қилмаган экан. Шаҳар болалари боғ атрофидан ўтдим дегунча дарактларга «хужум» қилишади. Уларга қарши нимаким усуллар билан курашмади. Бахайбат қўппак боғлаб қўйди. Йўқ, бир тунда итни олиб кетиб, у ётадиган жойга меваларни териб ёмон сўзаларни ёзиб кетишибди. Тунлари қоронғуллик қилиб ҳам кўрди. Қайда дейсиз.

— Нима қилсам экан? Бу кетишда ўзимнинг оғзим ҳам таъм татаймади.

Бирдан хаёлига келган фикрдан пешонаси чимирилиб, қошлари юқори кўтарилди. Уни шу аллозда кўрган расом жуда қизик сурат чиқган бўларди: қандайдир газзоб ўти, голиблик қувончи кўзларидан ўт бўлиб қақнардн. Ёшига нисбатан чаққонлик билан уйи томон юрди.

— Кўрсатаман сенларга!

Бу нафс тантанаси эди. Боғ атрофи билан бир неча метр сим тортиб 220 вольтли ток улади. Ўзи электр устаси бўлгани учун бунақанги ишлар унга чўт эмасди. Қувватнинг қанчалик қувчилигини билгани учун кундузи ўчириб қўйиб, кечқурун ухлаш олдидан улаб қўядиган бўлди.

Ёз фасли ажойиб. Кунлар узун бўлгани учун аксарият кўчага чиққанлар кечгача айлиниб юришини одат қилган. Қанат ҳам тенгқурлари Қодир ва Артур билан айланганига чиқди. Кеч соат 23 лар ҳамаси уч ўртоқ уйга қайтаётди, боғ олдидан ўтишади.

Қанат олма узиш пайда даврахта осилади. Шу топ оёғига урилган яшин бутун танасини «қиймалаб» ташлайди. Бир сонияда бўлган бу даҳшатдан у жасадга айланади.

Қанатнинг ерда юзтубани ётганини кўрган Қодир нима бўлди дея туртиб кўрмоқчи эди, уни нимадир итариб қоборгандек бўлди. Шунда билишдики, Қанатни ток урған. Ваҳимага тушган йигитлар дарҳол мевазор эгаси Зориннинг деразасини тақиллатишди. Жавоб бўлмади. Томга қараб тош отишди.

Аммо уйдан ҳеч ким чиқмади. — Энди унинг онасига нима деймиш, Артур? — Билмасди. Бошимиз балога қоладиган, — деди ранги докадек оқарган Артур.

— Ҳеч кимга айтмасак-чи? Ўзлари топишар...

Бу воқеа 2003 йилнинг 16 июнига ўтар кечаси содир бўлган эди.

Охириги пайтлар чол тунларни бедор ўтказадиган бўлиб қолганди. Бундай кезлар вақтнинг ўтиши қийин кечар, вужудни қандайдир ҳарсанг эгиллаётгандек туюларди. Уша машум тунда гафлат босиб кўзи илинган Зорин даҳшатли тушдан уйғониб кетди.

Тушида қол-қора осмон, гумбурлаган товуш. Осмоннинг қоқ ўртасини ёриб бир йигит унго қараб келаяпти. Эғнида ҳеч вако йўқ эмиш, яланғоч. Қўл унини чўзган эди, яшин қақнаб, чолни уриб, қиймалаб ташлади. Тана аъзоларидан ҳали жон чиқмаган экан, ҳар қайси ҳар томонга қоча бошлади. Фақат юраги теқ қотганча қимирламади. Йигит пастрга тушиб юракни оlibди-да, қора қафасга солиб қўйди.

— Худо асрасин. Бундан даҳшатли туш бўлмаса керак, — ўрнидан туриб гудранганча яна алланнмалар деди чол.

Қўчада итларнинг ваҳимали, ёқимсиз хурганини эшитиб, деразадан мўралади.

— Бехосият тун, — деб ўрнига бориб яна чўзилди.

Ҳар тонг мевазорни айланнишни одат қилган Зорин эр талаб

ҳам уни қанда қилмади.

Не кўз билан кўрсинки, боғ ёқасида олма дарахти остида она сути оғзидан кетмаган бола ўнғ қўли олмага қараб кўтарилганча чўзилиб ётарди. Юғуриб бориб, кўн-оёғини ушлаб қўрди. Тана муздек эди. Ҳамма ёғи кўкарган. Уни танимагани учун ҳам омборхонасига тортиб киргизди. Аввалига қилмишини тушунмаган чол бунинг қотилик эканини англади. Нима қилсин?! Уйда телефони ишламайди. Кўчага чиқишга қўрқади.

Бирор кишиси излаб келса айтарман деб уйга кирди. Узини босиб олиш учун қиттай «отиб» олди. Кун ўтиб, ҳеч кимдан дарак бўлмади. Шунда ичкиликдан қувват олган қария жасади яхшилаб чойшабага ўради-да, оғилга элтиб ўрага қўмиб ташлади.

Эрталаб уйғонган Қанатнинг онаси унинг ўрни бўшлигини кўриб, ўғли кечқурун қайтмаганини англади. Хавотирлини қариндошлариникидан суриштирди. Болани ҳеч қаердан тополмади. Шунда ўғлининг ўртоқлари унинг қистови билан бўлган воқеани айтиб беришади.

Кун ёйилганда Қанатни излаб келганларга Зорин билмайман, кўрганми йўқ деб жавоб беради. Унинг хатти-ҳаракати, сўзларини пойинтар-сойинтарлигини сезган участка нозираи уйни кўздан кечири бошлади. Оғилдаги ўранинг тупроғи намлигини кўради.

— Бу ерларни тозалаяндим, — деди Зорин уни чағитмоққа уриниб.

— Йе, бу қрасовқа Қанатни-кига ўхшайди-ку, — деди қимдир бир чеккада турган оёқ қийимини кўрсатиб.

Ўранинг тупроғига икки марта белқурак урилганда ҳамки, бир оёқ кўриниб қолади...

ХОТИМА ЎРНИДА

Инсонни кулфат сари нафс етаклайди.

Афсуски, Қанат Исаев 16 ёшга тўлмаёқ унинг қурбони бўлди. Уйга толасан кишин. Нега ўша кеча она ўғлининг келишини кутмади? Нега воёга етмай туриб кўча санғишини одат қилгани кўйди? Унинг айтишича, Қанат «компьютер ўйнаб келаман» деб рухсат олган.

Наҳот кўнгилочар уйинларни ташкил қилганлар болаларнинг кечгача қолиб кетишига изн беришгаётган бўлса? Назаримизда, жойларда халқ посбонлари, худуд ноzirлари назоратни кучайтирсалар яхши бўларди. 74 ёшни қоралаган Михаил Зоринни суд узок муддатга озодликдан маҳрум этиди. Шу туптар аёли бу кўрғонликларга бардод бера олмай дастлабки тергов кунларидаёқ дунёдан кўз юмди.

Ҳўш, ким айбдор?

Абдулла ТўРАЕВ,
Ромитан туман прокурорининг ёрдамчиси

JINOYAT OLAMI ODAMLARI

Газетамизнинг 2004 йил 3-сонда «Сицилиядан бутун дунёга» номли мақола чоп этилган. Унда мафиянинг вужудга келиши, ривожланиши қаламга олинган. Эътиборингизга ҳавола этилаётган куйидаги мақолада эса Сицилиядан пайдо бўлган мафия номли жиноий уюшманинг бой-лик тўлаш мақсадида амалга оширган қора ишлари ҳақида гап боради. Аслида мафизолар ҳақида тилдан тилга ўтиб келаётган миш-мишлар, турли асарлар ҳамда фильмлар жуда кўп. Бироқ уларга тегишли ҳақиқат ҳеч қаерда тўлалигича акс этмаган. Умидқиламизки, хориж матбуоти ҳужжатлари асосида тайёрланган ушбу мақоладан ўзингиз учун мафизоз деб ном олган жиноятчилар ҳақида янги маълумотлар оласиз.

Сальваторе Лучано — 1897 йил 24 ноябрда Сицилиядан туғилган. Уч ака-ука орасида у онасининг энг эркатойи эди.

1907 йилда йўқчиликдан қутулиш мақсадида Сальваторенинг отаси Антонио Лучано Америккага кўчиб келади. Янги юртда ишга жойлашади. Антонио тезроқ пул йиғиб оила аззоларини ҳам океан ортига кўчириб келишни хоҳларди. Икки йилдан сўнг меҳрибон ота мақсадига эришди. Унинг оиласи АҚШнинг Лауэр Ист-Сайдига кўчиб келди. Сальваторе ёшлигидан шахтада ишлаётган отасига кўмаклаша бошлади.

Сальваторе — «Коза Ностра»нинг бўлажак босси — Нью-Йоркнинг «Кичик Италия» номли қисмида яшарди. Бу ерда жиноят оламидаги машҳур кишилари Жон Торрио ва Аль-Капо-нилар ҳам яшаган. Мактабини тугатган, Лучано Мейер Лански ва Багси Сигал билан танишади. Уларнинг дўстлиги умрларининг сўнгги кунларигача давом этади. Кейинчалик тақдир Лучанога Франческо Кастильери (Фрэнк Каstellо) билан учраштиради. Танишув жиноий операциялардан бири амалга оширилаётган пайтда юз берди. Ушунда Лучано 104-кўчани назорат қиладиган безорилар билан тўқнаш келади. Вазиятни безорилар гуруҳининг раҳбари Франческо юмшатади. Фрэнкнинг ёнида ҳар доим-гиде акиси Эди, яқин дўсти Вилли Моретти ва Англияда туғилган Оуни Мэдден бор эди.

1911 йил 25 июнда маориф вазирлиги Сальваторе Лучанога Бруклиндаги тарбияси оғир болалар интернатига жойлаштиради. Шу вақт ичиде у аёллар шилпаси тикувчиси Макс Гудман билан танишади. Ёш йилит Максда яхши таассурот қолдирганлиги сабабли уни ўзига қуръерликка ишга қабул қиладди. Хизмати учун Лучано бошқаларга қараганда каттароқ маош олardi. Хўжайини уни тез-тез тушликка тақдир қиларди. Вақт ўтиб, Лучано жиноят оламида муносиб жой эгаллагандан сўнг Максни отасидек қўрганлиги сабабли йилгилардан озод қиладди ва ўз муҳофазасига олади.

Қуръерлик вазифасида ишлаб юрган кезлари Лучанога полиция ҳақда сўбасатчилар орасида қўлаб таниши бўлган Жор Скоптондан наркотик тарқатиш тақлифи тушади. Тақлифи қабул қилган қуръер вазифани осонликча амалга ошира бошлайди. У шилпаларга берkitилган гиёхвандлик моддаларини мижозларга ҳеч бир муаммосиз етказиб беради.

1916 йил июнь ойининг бошларида 14-кўчанида билъярдхонада ёш қуръер «оқ ажал» билан кўлга олиниб, бир йилга озодликдан маҳрум қилинади. Хамптон-Фарис қамқонхонасида жазонинг фақат олти ойи ўғалади. Ҳозир яхши тутгани сабабли Лучано мудидаддан аввал озодликка чиқарилади.

Чарли Лучанонинг уюшган жиноятчилик чўққисига чиқилиш оддий безориликдан бошланган. Уша даврларда Америкада майда безорилик ёмирдан сўнг чиққан кўзқориндек қўлаб кетганди. Унинг жиноий фаолияти рaket, ўзқарил, наркотик савдоси, киморхонлар ташкил қилиш, қўшмачилик, контрабанда ва жиноят оламида ҳурмат ортиришга қаратилган шунга ўхшаш эгри амаллар билан боғлиқ эди. Аввалгига у Нью-Йоркдаги энг йирик икки жиноий гу-

руҳлардан бири — Жезуппе Массерия «оила»сида оддий «аскар» бўлган. Ушунда Массерия ва Маранзано орасида худуд бўлиб олиш учун жанг авж олганди.

1929 йилда Нью-Йоркнинг маркази — 6-авенюда Лучано машинага босиб ўғирлаб кетишади. Уни Манхеттендан олиб чиқиб Стейт-Айленднинг хилват трассаларидан бирини дарахта осиб қўйиб сигарета билан юзини куйдира бошлашади. Ваҳшиилар, яъни Маранзанонинг одамлари Лучано наркотиклар сақланадиган жойни айтишни талаб қиличарди. Лекин у лом-мим демайдди. Гангстерлар қийноқлар даstdан жон берди деб ўйлаб, тириклик аломатларини билдирмаётган Лучанога ташлаб кетишади. Бироз вақт ўтиб Лучанонинг бахтига тирасадан ўтиб кетаётган патруль уни кўриб қолиб, дарҳол касалхонага олиб боради. Шифокорлар 55 та оғир оstonасидан қайтган гангстерга ўли тасдиқ қиличди. Лучано тирек қолди. Яқин дўсти Мейер Лански унга «омадли» деб лақаб қўяди.

Уни қийноққа солганларга гиёх-

ҳаракатлари туфайли бошқа мафия «оила»ларининг босслари олдида заррача хурматини йўқотмаган. Ҳеч ким «Коза Ностра»нинг тон олинган авторитетига қарши чиқмади. Бу Лучанонинг хатоси эмас, аксинча ўша даврда жиноят оламидаги янгилик эди. Энди «Коза Ностра»да фақат сицилийликлар эмас, балки ташкилотга зарур бўлган бошқа миллат вакиллари ҳам қора ишларни амалга оширишарди. Айтиб ўтиш жоизки, «Коза Ностра»га хизмат қилаётган бошқа миллат вакиллари жиноий уюшмага тўлақонли аъзо бўлиш ҳуқуқидан маҳрум эдилар ва ташкилий ишларда овоз бера олмасдилар. Мафиянинг буюкидаси бугунги кунда ҳам амалда.

Лучано асосий эътиборни бизнесга қаратарди. У биринчилардан бўлиб вазифаларини аниқ тақсимлаб олишнинг самара беришини тушуниди. У «Коза Ностра»нинг махсус бўлинмаси, яъни «қотиллар корпорацияси»ни тузди. Унинг тақлифига биноан корпорацияга Альберт Анастасия раҳбарлик қилди.

Лучано фоҳишабозликини қўлга

тик бозорини ташкиллаштиради.

1923 йилда бир килограмм героини 2000 долларга харид қилиб, уни АҚШда қайта ишлаб 30000 долларга сотиш мумкин эди. Масаланинг мунимомли томони гиёхвандлик моддалари жуда уюқдан, яъни Европа ёки Узоқ Шарқдан юборилиши эди.

1920 йилга келиб Арнольднинг жиноят оламидаги обрўси энг баланд чўққига етади. Бунга унинг Уолл-Стритдаги (Wall-Street) фибрибгарлиги сабаб бўлади. У очган мижмонхона кимор уйинларининг марказига айланади. Арнольд Ротштайн Лански ва Лучано учун том маънода чўқинтирган ота хўс болалариди. У Лански ва Лучано-ни қўлаб олстига олиб, уларни жиноят оламидаги юқори поғоналарига олиб чиқарди.

Арнольд гемблингнинг ҳажкий кироли эди. Ҳали 30 ёшга кириб улгурмасдан жиноят оламида ном таратди. Манхеттендаги энг катта казино уни тегишли эди. Кўнардан бир кун Арнольд Ротштайнинг дўсти, гемблинг лидерларидан яна бири — Ники Арнштейн унинг отасига муро-

1915 йилнинг 2 мартида Фрэнк Каstellо руҳсатномасиз қурол сақлагани учун иккинчи марта ҳибсга олинди. Ҳуша йилнинг 15 майида суд олдида жавоб бериб, бир йил муда-датга озодликдан маҳрум қилинди. Ун бир ой ўтган, Вельфе-Айленд қамқонхонасида Фрэнк исли маҳбўс ўзини яхши тутганилиги сабабли озодликка чиқди.

Каstellонинг мафиядаги фаолиятида Сицилиядан туғилганлиги омад келтиради. 1929 йилда Каstellо бошқа гангстерлар орасида тин олинди ва Атлантик-Ситидеги мафизоларнинг катта йилгилишида иштирок этади. Каstellога машҳурликни кимор ўйинлариде ва киморхоналар келтирган, десак адашмайми. 1929-1934 йиллар оралигида 5000 тага эди «бир кўли бандит»лар бор эди. Уларнинг ҳар бири ҳафтасига 5000 доллар даромад келтирарди. Луизиананинг губернатори Хью Лонга ҳам Фрэнкка буйсунарди. Кейинроқ Хьюни АҚШ сенатига сайлашди. Каstellо Таммани-Хилл, яъни Нью-Йоркдаги демократлар партиясининг штаб-квартирасини ҳам қўлга киритган эди.

1938 йилда Каstellонинг «саёй ҳаракат»и билан ирландиялик ёш эмигрант Виллем О’Двээр Нью-Йоркнинг судяси этиб тайинланади. Кейинроқ судья Бруклиннинг прокурори этиб сайланади.

Вито Женовезе — 1897 йилда Неапол яқинида туғилган. 16 ёшида Америкага кўчиб келади. 1924 йилда уйланган, бироқ кўп ўтмай рафикаси вафот этади. Кейинроқ у ҳаётидаги ягона севгиси Анна Петионни учратади. Анна турмушга чиққан аёл эди. Лекин кўп вақт ўтмай Витонинг «бахтинга севгилисининг турмуш ўртоғини ўлдириб кетишади. Дафн маросимидан бир hafta ўтган, севилганлар тўй қиличади. Тўйда гувоҳлик қилиш учун Энтони Стрелло, Тони Бендер ва унинг рафикаси иштирок этишади. Маълумотларга қараганда Аннанинг турмуш ўртоғини Женовезенинг буйругига асосан Пити Маггинз, Питер Мисоне ва Майкл Баррезилар ўлдир-ришган. 20-йилларда Вито ни тез-тез ҳибсга олишарди. Бироқ суд олдида у икки марта жавоб берган холос. Иккаласида ҳам руҳсатномасиз қурол сақлагани учун. Биринчи марта у икки ой муҳлатга тарбиявий ишларга жалб қилинган. Иккинчи марта 2500 доллар жарима билан қутулиб кетган.

Сальваторе Лучанонинг қамалгандан сўнг ҳужжати муҳофазга қилиш оргнлари Томас Дьюи бошчилигида «рзакетнинг янги кироли» Вито Женовезени ҳибсга олишга қиришади. Катъий Дьюи олдида кўйган мақсадига эришишни яхши билган дон Вито қочиншга қарор қиладди. Шундай қилиб Вито 1937 йилда икки чемадан пул билан Италияда пайдо бўлади ва янги, осуда ҳаётни бошлайди. У аввалгига Муссолини билан ҳамкорликка бошлайди. Вито Муссолинининг кўёв-и, ташки ишлар вазирини граф Чаного героин етказиб турарди.

Америка қўшинлари кириб келганидан сўнг (бу жарафда Чарли Лучано фалон иштирок этган) дон Вито иттифоқчилар тарафига ўтиб, маслухатчи лавозимини эгаллади. Янги ҳукуматнинг ишончли қозонган Женовезе шу йўл билан ўғирлик қиличига «расмий руҳсат»ни қўлга киритди деса ҳам бўларди. Устига устак, энди у жуда катта миждордаги ўғирликларни амалга оширарди.

Ўзим ҳон, қўланам майдон руҳида иш тутайтган Вито маъмурий аъзоларининг эътиборини тортиди. Улар бу шахсга ҳаддан ортқ хуқуқлар берилганилиги кейинроқ тушулди. Витонинг буйруги билан катта фибрибгарликлар амалга оширилди. Маъмурий бунга қарши чорани кечиктирмади. Витони Италиядан Америкага ҳайдаб юборишади.

1945 йил 14 майида Вито Женовезе ўтирган кема Неапол портидан океан ортига йўл олган. Витонинг алами ҳечарасиз эди. Италияда у эндигина наркотик савдоси ва қора бозордаги кирдиқорларни йўлга қўйган эди. Бироқ у ердан қувилди. Бир пайтлар у кирол мисоли яшаган АҚШда эса уни қотилликка айбонлаётган прокурор кутарди.

(Давоми бор).
Жаҳонгир МАХСУМОВ тайёрлади



ЁХУД BOSSLAR INҚИРОЗИ

вандлик моддалари берkitилган жойни аниқлаш қўрқ бахона эди, холос. Аслида бу Лучанонинг дўсти, яъни Массерия томонидан сотиб олинган Маранзано одамларининг иши эди. Массериянинг мақсади — Лучанога Маранзанога қарши уришга тортиш эди. Ушбу режа натижасида икки нарса аён бўлди. Биринчидан, ҳар қандай қийноққа солинишига қарамасдан Лучано наркотиклар турган жойни айтмади. Иккинчидан, у душманларига нисбатан ўта совуққонлигини кўрсатди. Орадан кўп ўтмай Лучано бошига бу аъзоларни солган Маранзано эмас, балки Массерия эканлигини тушуниди. Жавоб зарбаси кўпга чўзилмади.

1931 йилда Маранзано билан тил бириктириб, Массерияни йўлдан олиб ташлаб, ҳокимиятни қўлга киритди. Лучанонинг яна бир хислати — унда ташкилотчилиги ва янгиликка интилиш ҳисси кучли эди. У ҳаммадан биринчи бўлиб мафия корпорация сифатида фаолият юритиши кераклигини тушуниб етади ва «катта еттилик» — спиртли ичимликлар контрабандаси билан шуғулланидиган суверенни ташкил қиладди.

Уша пайтда кичик ҳамкорлик сифатида «Нью-Йорк индепенденс», Сигал ва Ланскининг гангстерлик гуруҳлари, Нью-Йорк, Бостон, Род-Айленд ҳамда Атлантик-Ситининг контрабандачилари фаолият юргизарди. Лучано жиноят оламидаги «кучли интелектуал»и ҳисобланарди. Ёзувчи Роберт Иванов «Мафия АҚШда» китобида шундай деб ёзади: «Лучанонинг хатоси шундаки, у асли италиялик бўлмаган жиноий гуруҳлар билан ҳамкорлик қилди. Хатоларидан яна бири — яқудийлар билан тенг ҳуқуқлиликини ўрнатгани. Уша пайтда яқудийлар «катта еттилик»даги сицилийликлардан кўпроқ улушга эга эдилар».

Бироқ бу нарсага ишонилшга бир жиҳат тўқинликларида. Лучано ушбу

олди. У биринчи рақамли қўшмачига айланди. Нью-Йоркнинг ўзида унга тегишли 200 та фоҳишахона бор эди. Фоҳишахоналар 1935 йилнинг ўзида 20 млн. АҚШ доллари миждориде фоёда келтирарди ва маблагини қат-тагина қисми, табиийки Лучанога тегади.

Томас Дьюи мафиядаги авторитет, бироқ қонун олдида жирканч жиноятчи ҳисобланган Лучанога қамқоқча олмоқчи бўлди. Бунинг учун у махфий операцияни ишлаб чиқарди. Тадбирга кўра 20 соат ичиде полиция 40 та фоҳишахонани ёпишга улгурди. 120 нафар киши ҳибсга олинди. Тинтув вақтида ҳисоб-китоб дафтарлари топилди. Кўлга олинганлар орасида фақат бир киши — Ненси Прессер исмли фоҳиша гувоҳлик беришга рози бўлади. Унинг кўрсатмалари ва тўлганган бошқа далиллар асосида Сальваторе Лучано 50 йил мудадага озодликдан маҳрум қилинади.

Арнольд Ротштайн — лақабли «Калла». У 1882 йилда Нью-Йоркнинг Шаркий қўчасида яшайшган 47-йўда туғилган. Ўзига тўқ яқудийлар оиласиданиги сабабли, яхши таълим олди. Бироқ ёшлигиданроқ отасига қарши чиқиб, яқудийлар тарихи ва маданиятини ўрганишни хохламади. «Бу ер Америка, Қуддус эмас. Мен американик», дедди гемблиннинг бўлажак қироли.

Отаси билан дегрилик ҳар қуну бўлиб турадиган жанжаллардан қутулиш мақсадида Арнольд уйдан қочиб кетди. Кўчада сигарет сотиб, 2000 доллар йўлгига ва моҳир киморбозга айланади. Қисқа вақт ичиде катта ўйинларда иштирок этиб, киморбозлар орасида хурмат қозонди.

Арнольд 1919 йилда бўлиб ўтган АҚШдаги бейсбол чемпионатининг натижаларини сохташатирадди. Спиртли ичимликлар контрабандасини йўлга қўяди ҳамда халқаро нарқо-

жаат қилди. Сабаби, Арнольднинг миллионлари була туриб, у ҳеч қанчон гирромликни, ёлгонни бас қилмасди. Арнольднинг ўзидан нега ҳар доим ёлгон ва гирромликни қанда қилмаслигини сурашганларида, у «нега сиз ҳар қуну оқват ейсиз?» деб жавоб беради.

1928 йил 4 октябрда Нью-Йоркнинг Марказий боғида Арнольднинг ўлдириб кетишади. Унинг ўлими гуллаётган гемблинг тизимига салбий таъсир кўрсатди.

Фрэнк Каstellо — гемблинг тизимига катта ҳисса қўшган гангстерлардан яна бири. Франческо 1891 йил январь ойида Калабрида туғилган. 1897 йил унинг отаси дон Луижо бошқалар сингари ватанини ташлаб кетишга мажбур бўлиб, орадан тўрт йил ўтган қайтиб келади ва хотин-бола-чақасини олиб кетишга мусъасар бўлди. Америкага келган Луижонинг оиласи Манхеттен оролидаги 108-кўчада яшашиди. Луижо нонвой-хона очди. Лекин ундан тушаётган даромадга оилани боқиб қийин кечарди. Франческонинг катта акиси Эдуардо дўконларда ўғирлик қиларди. У бу врямас «хўнрарини укасига ҳам ўргатади. Франческо сақиз ёшга тўлганида Ист-Стритдаги тайёрлов синфига ўқишга кириди. Бошқа эмигрант болалар сингари уни ҳам америкача қилиб Фрэнк деб қачирларди. Акаси Эдидан ташқари унинг жиноий гуруҳида Вилли Моретти ва Оуни Мэдден ҳам бор эдилар.

Биринчи жаҳон уруши бошланиши билан йилгилар янгила иш турини қисқатишиди. Улар тадбиркорлар ва ёлланма ишчилар ўртасида далолатлик қилиб бир тарафини ишчилар билан, иккинчи тарафини иш билан таъминлардилар.

1908 йилда 15 ёшли Фрэнк безориликка айбонлиб биринчи марта қамқостонасини босиб ўтди.

(Бошланғич 1-бетда).

Республика миқёсида ўтказилган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» каби спорт мусобақалари билан бир қаторда маҳаллий спорт беллашувлари унинг барча турларини оммалаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Айнан ана шундай мусобақаларда ёш истеъодлар юзага чиқади, ўз маҳалласи, тумани, шаҳри, вилояти, кейинчалик республикаси шарафини ҳимоя қилиб, Ўзбекистонимизнинг доврғини дунёга таратадиган спорт усталари тарбияланиб, камолга

ойида бўш ётган ерга маҳалла ахли кучи билан спорт майдончаси қуришга руҳсат сўраб ёзган ариза-си рад этилган. Ҳоқимлик болалар спортини ривожлантириш учун «Болалар спорт жамғармаси» маблагларини жалб этиш борасида ҳам ўтган йили ҳеч қандай иш қилмаган. Янада ачинарлики, шаҳар ва кишлоқлардаги мактабларнинг тайёр спорт майдончалари қаровсиз ҳолда ётибди, спорт залларини таъмирлаш ҳақида бош қотирилмапти. Марғилон шаҳридаги 15-ўрта мактабнинг 25 йил

фуқаролар йигинларидаги педагог-тарбиячилар болаларни спортга жалб этишга жиддий ёндашмапти. Мисол учун, Езёнов туманидаги И.Мадаминов номи «Иттифок» маҳалла фуқаролар йигинларида футбол, шахмат, таэквандо тугараклари хўжасига ташкил этилган. Машгулотларга санқоли болалар қатнашяпти, холос. Данғара туманида «Сошилдир» маҳалла фуқаролар йигинида педагог-тарбиячилар болаларни оммавий спортга жалб этиш бўйича қўлдан тадбирлари эса қозғода тузиб кетган.

9 FEVRAL — BUYUK BOTOKOLONIMIZ TAVALLUD TOPGAN KUN

НАВОИНИН ДАВЛАТЧИЛИК ИДОДА



Давлатшох ўз таъқирасида «буулуг амир давлатнинг пушлигануи, миллатнинг таянқидир», деб ёзганда буюк Алишер Навоийнинг давлат ва давлатчилик борасидаги амалий ишлари, асарларида олға сургун ўғитларини назарда тутган бўлса ажаб эмас. Зеро, мамлакатни идора этишнинг барча жабҳалари қамраб олинган «Муншаот»-да, қирим, сарф-харажат, қўлинганишлар баённомаси бўлган «Вақфия»-да, ҳаттоки «Хамса» достонларида ҳам давлат мустақиллиги ва бехатарлигини доимо сақлаб туриш, мамлакатни адолат билан бошқариш, эл-юрт оқойишларни таъминлаш, ободончилик ишларига аҳамият бериш, турли тоифа ва табақага мансуб кишиларнинг турмушини яхшилаш масалаларига жиддий эътибор қаратди ва бунда ўзининг сай-харақатлари, шахсий ибратни билан иштирок этди.

«Муншаот»да алоҳида таъкидландики, харадан чиққан эрталтаб кишиларнинг арзидоли эшитилса, ке-қурунлари арқонидан давлат билан мол-мулк ишлари муҳожима этилса, давлат арбоблари қўлинганишлардан ҳисоб бериб турсалар, чоғир ичидан каттик сақлангилса, бунда вақтларда қулбонада кират қилинса, вазирларга тарафовчи тоғлири, хусусан, «Зафарнома»-тақор-тақор ўқиб туришга буюрилса, девон баётилари маҳкамда фуқароларнинг ишини тўғри йўлда бўлишига бош-қош бўлсалар, қўзлар ҳар бири ишини адолат таразусида ҳал этсалар, махлуслар тартиб билан ўтказилса, тайин этилмаган кишилар қирғизилмаса, чегараларнинг дарвозаларни каттик қўрикланса, бошқа юртлардан келган бозиргонлар, савдогарларга ҳурмат-эътибор қўзғузилса, улардан солиқ шариат қонунари ассосида олинса, гуноҳкорлар каттик жазоланса ва бу ҳолат бутун мамлакатта тарқатилса давлатни идора этишда эн мақбул ш бўлади.

Бизнингча, мамлакатни бошқариш сулуларидан бодабар, унинг бирор бир жабҳасида фаолият қўрсатган шахсигина бундай теран ва кенг қамровли ҳуқосаларни бера олади. Аслида ҳам, бу улуг зот тоғурийларнинг сунгги йирик давлатининг вужудга келиши ва қирқ йил сақаниб туришида беимсол хизмат қўрсатган, «амири кабир» (улуг амир), «амири мурақаб» (подшоҳга энг яқин амир) мартабаларига сазовор бўлган, элу юртинг дуссини олган.

Назаримизда, давлатчилик ва уни бошқариш масалаларида Алишер Навоий фаолияти ва иқодининг ушбу жиҳатлари ибратлидир:

Биринчидан, Алишер Навоий вазир сифатида пайғамбарнинг «Бир соатлик адолат олтимиш иллик ибодатдан афзал» деган сўзларини шор қилиб олган эканлар. Бундан унинг шоғирди, тарихчи Хондаминнинг ёзишича, хазрат вазир бўлиб ишлаган пайтда бирор-бир адолатсизликка йўл қўйган чоғлари истейфо сўраб Хусайн Бойқоро ҳузурига ташриф буюрар ва подшо уни яхши сўзалар ҳамда насиҳат билан қайтарар экан.

Иккинчидан, Навоий давлат хазинасини муқаддас билар эди. Унинг фикрича ўзига тўқ киши давлатдан маош умид қилиши у қадар тўғри эмас. Ақинча, давлат камомадларини тўлдириш учун ёрдам қўлини уза тиши лозим. Шу маънода хазрат 1483 йилда ўз ҳисобидан давлат пойтахти Хитро шаҳрининг бир иллик ҳоли солиғини тўлаб юборганлиги маълум. Бундан ташқари, Навоийнинг 52 рабт, 20 ҳровэ, 16 кўприк, 9 хаммом, куплаб масжидлар қургани, унинг маблағига бино қилган «Иҳлосия», «Халосия», «Шифоия» мадрасаларида юзлаб тоғлибар тахсил олгани борасида Хондаминдан маълумот мавжуд.

Учинчидан, унинг фикрича, подшо адолат йўлини тутсагина унга хизматда бўлиш қиймат қуни йўл қўйилган гуноҳларнинг озайишига олиб келади. Бу ҳақда «Сади Искандрий» достонининг қатор ўринларида сўз оғрилган. Ушбу жиҳатни тинглаб, буғунги йўлсанқинлики. Назаримизда, буғунги аъломийлик бир қун келиб гуноҳларимиздан кечилишига сабаб бўлса ажаб эмас.

Тўртинчидан, Навоий Астробод вилоятида ҳоқим экан, устоzi Жомийга ёзган мактуларининг бирида дейди: «Хоқимлик дуруст иш экан, яхшилик ёмонлиги — ҳар бири шингил эли қўриб, гап қилиб туради. Вақти келиб пайғамбар нега гуноҳинг ҳам деб сўрасалар, қаминга Астрободда ҳоқим бўлганманда деб жавоб қилганман». Бундан маъно қандаки, раҳбар бўлиб ишлаётган ҳар бир шахс бугун ривёзат чекса, оқибат яхшилик қўрар экан.

Бешинчидан, Навоий дейдики, «давлат қулиби қийрак, бунинг ун давлатишида ишлаётган кишининг қўзи омул, қулоғи қар ва бўли юрмас бўлиши лозим» («Холати Сайид Хасан Ардашери»). Булар — давлат ишидаги одам оқўз бўлмаслиги, қулоғи ёмон сўзларни эшитмаслиги (яъни, эшитмаганга олиши) ва ноқоғиз жойларга қадим босмаслиги зарурлигига ишора эканини сезиш қийин эмас.

Ҳуллас, Навоийнинг давлатчиликка сидуғлиги таъбир бехисоб. Улғу шоир «Сабъа сайёр» достонининг хотимасида Баҳром уммидининг маъносиз ҳақидаги тавранилар ва илзаниларнинг натижаси бўлмиш туш манзарасини беради. Унинг тушига Баҳром кириб, ўзининг «яътли» эканидан ёзғиради ва сўзини тугатар экан, шоир ҳақида шундай баёрат қилади:

Санки мустахсан ўтти авқотинг, Яхшиликка чиқиб дурур отинг, Минг йил уммид эрурки, қолгайсен, Яхши от-ўқ жолхонга солгайсен...

Навоий номи асрлар аша эзгулик рамзи (давлатчилик соҳасида ҳам) бўлиб қолганлиги бу сўзларнинг нақадар ҳақ эканини қўрсатди.

Мўминжон СИДДИҚОВ, доцент. Насриддин ИСМОИЛОВ, ИИБ академияси кафедра бошлигининг муовини

Ўтганларнинг охираги обод бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази прокуратура фахрийси

Уйнар ҚАРБАЕВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан унинг яқинларига чўқур ҳамдардик билдиради.

МЕТИН ИРОДА

БИЛАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАДГА ЭРИШИШ МУМКИН

етади. Болалар спортини ривожлантириш бўйича Кувасой шаҳри, Олтириқ тумани ўз-ўзини бошқариш органлари ибратли ишларни қилишяпти.

Ўзимдан биланам, спортнинг жозибаси, сеҳри шунчалик кучлики, болаларга машғулот ва мусобақалар учун шарт-шароит яратилса, ташкилотчилик бўлса бас, унга меҳр қўйганлар сони кўпайгандан-кўпайди.

Фаргона шаҳридаги маҳалла фуқаролар йигини раисларидан бири неча йиллардан бери спорт майдончаси учун жой ажратиш муаммосига ҳал бўлмаётганини кўйиб гапирди. Майдонча учун жой қўрсатишдан, бироқ унинг ўртасидан ўтган, қуриш иши охирига етказилмай, кераксиз бўлиб қолган очик иссиқлик қуварлари устуларини кўчириш масаласи ҳал бўлмай келаяпти...

Афсуски, бу каби локайдлик, бефарқлик бошқа жойларда ҳам учрайди. Қўқон шаҳридаги маҳалла фуқаролар йигини фаолларининг шаҳар ҳоқимлигига ўтган йил май

аввал қурилган спорт зали таъмирланмай, томидан чакка ўтиб, поличирий бошлаган. Фарғона, Кувасой шаҳридаги бир қатор мактабларнинг спорт заллари ҳам фойдаланишга ярқосиб бўлиб қолган. Фақат ўрта мактаблар эмас, махсус спорт мактабларида ҳам шундай ачинарли холларга гувоҳ бўлиш мумкин. Бувайда туманининг Янгиқўрғон қишлоғида жойлаган 1-сонли болалар спорт мактабнинг 2 та залидан биттаси талабага жавоб беради, холос. Унда ҳам спорт жиҳозлари, анжомлари етишмайди. Бақбир ва Бувайда қишлоғидаги спорт мактабларида ҳам юқоридагидай қамчилиқлар бартараф этилмай қолмоқда.

Шароит бўлмағач, мактабларда жисмоний тарбия дарслари ҳам номигагина ўталади, менимча...

Гапингиз тўғри. Айрим мактабларда жисмоний тарбия ўқитувчиларининг ўзи йўқ. Жумладан, Кувасой шаҳридаги 15-ўрта мактабда ушбу фандан математика ўқитувчиси дарс ўтапти. Маҳалла

Вилоят прокуратураси бу каби ҳолатларни бартараф этиш, оммавий болалар спортини ривожлантириш ишларини жонлантириш узрасидан маҳаллий идораларга тақдимномалар киритди.

Спорт машғулотлари бошқа фойдали ишлар қатори, юқорида айтганимиздек, болаларни бекорчилик оқибатида ҳуқуқбузарлик содир этишларининг олдини олади. Фарзандларимизда ички интизомни, ўз-ўзини идора қила билиш, мустақил ва тез фикрлаш, тўғри қарор қабул қилиш қўниқмасини шакллантиради. Шундай экан, маҳаллий ҳоқимият идоралари, кишлоқ ва маҳалла фуқаролар йигинлари, халқ таълими бўлимлари, мактабларнинг педагогик жамоалари, спорт жамиятлари билан ҳамкорликда спорт заллари ва спорт майдончаларини жиҳозлаш, турли мусобақалар ташкил этиш йўли билан болаларни спортга қизиқтиришлари, жалб этишлари гоят муҳимдир.

Сухбатни Исроил ИБРОҲИМОВ эъиб олди

ЭНДИ ИКИ ПАЙТИДА УХЛАМАЙДИ

монларга уна бошлади. Машғулотни қузатишга раҳбарият аъзолари келгани сабабли олдиндан берилган қўрсатмага ассосан ҳужумчилар ўқни аяшмасди. Бир дақиқадан сўнг шовқин тинчиди. Бир неча сония олдин бус-бутун бўлиб турган оғир ҳам хавф солаётган қоллардан ясалган «террорчилар» ҳам энди илма тешик бўлганди. Командир машғулот жойини қўздан кечирган, бундай ҳужумдан кейин хатто пашша ҳам соғ қолмаслигини айтиб топшириқ аъло даражада бажарилгани эълон қилди. Бироқ шу пайт бирданги оғир аълиги секин очилди.

Ичкаридан тўрт оқлаб майор эмалаб чиқди. Маълум бўлишича, у машғулотлар бошланғичидан икки соатча олдин оғирлар миэзиб олишга кирган экан. Кейинроқ бирданги бошланган отишмадан уёғониб кетган майор ҳарбий маҳоратини ишга солиб, оғирдаги хавфсизроқ жойга беркенишга улгурган. Бундай ҳужумдан сўнг хатто пашша ҳам тик қолмайди деган қамомдиннинг сўзлари қанчаллик тўғри билмидик. Бироқ мўъжиза ўз бериб хон сақлаб қолган майор энди ҳеч қачон иш пайтида уйқун йўламас қерақ.

КИЗИҚАРЛИ САЙР

КАНАДА полициясининг икки нафар ходими жиноятда гумон қилинаётган шахс устидан бир кун давомида кузатув олиб боришди. Кун бутгандан сўнг гумонланувчи уйига қайтиб келди. Полициячилар машинани уйнинг поёвзиди олдида тўхтайтиб, кузатувни давом эттиришга қарор қилдилар. Бироз вақт ўтиб гумонланувчининг хонасида чирок ўчди. Кузатувчилар уни ухлади деб ўйлашди, лекин кузатув жойидан кетиш мумкин эмас. Тун эса жуда совуқ эди. Шу пайт увнони катарроқ полициячи шеригига: «Сен кузатишин давом эттир, мен эса шу атрофдаги бир таниш аёлиниқига бориб келаман», — деди. Еш полициячининг машинада тунашдан бошқа ило-

жи йўқ эди. У машинанинг орқа ўриндиғига жойлашиб устига брезент ёпди-да, совуқ бўлишга қарамай улашга ҳаракат қилди. Полициячи азонда зўрға уйғонди. Бироқ машина юриб кетаётганини тушуниб ваҳимага тушди. Брезентни секин очиб қараса, олдинда икки нафар йигит: бири рўлда, иккинчиси унинг ёнида ялғайиб ўтирибди. Иккаласи ҳам хурсанд, бир пас бировнинг машинасида сайр қилмоқчи бўлишган шекилли. Шунда бир йигит иккинчисидан: «Нима деб ўйлайсан, полициячилар бизни қанча вақт ичида топиб олишаркин?» — деб сўради. Иккинчиси хали жавоб бериб улгурмасдан полициячи тўплончаси билан манба мен дегандай шартта ўрнидан турди. Йигитларнинг ўтақаси ёрилиб кетай деди. Машинани бошқариб кетаётган бола довдираганидан рулни қўйиб юборди. Яхшани йўл четига симмонг ёқи дарахтлар йўқ эди. Полициячи дарҳол рулни тўғриллади. «Моҳир ўғирлар!» ўзларини ўзлари полиция маҳкамасига элтиб қўйишди.

«HUQUQ» yuridik gazeta. TA'SISCHILAR: O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi, Toshkent shahar va Toshkent viloyati prokuraturalari, «Qonun himoyasida» jurnali.

Bosh muharrir: ABDUXOLIQ ABDURAZZOQOV. TAHIRIY HAY'ATI: Bahridin VALIYEV, Dilshod ISLOMOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Jahongir SHAROFBOYEV (mas'ul kotib), Lola SHOMURODOVA, Hasan INOYATOV, Muxtor SHODMONOV.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va sur'atlar egalariга qaytarilmaydi. Myalliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nazarimizdan ko'chirib olinganida «HUQUQ»-dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi. MANZIL: Toshkent shahri, akademik Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66. TEL.: 133-82-34, 133-64-72. FAX: 133-64-85. E-mail: info@huquq.uz. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Gazeta «Sharq» NMK boshmaxonasida o'fset usulida chop etiladi. Korxonamizli: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41. Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda. Navbatchesi muharrir: H.NISHONOV. Navbatchesi: F.MAMASHARIPOV. Boshmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 19.30.

Buyurtma № 0064 23285 nusxada chop etiladi. Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda. Navbatchesi muharrir: H.NISHONOV. Navbatchesi: F.MAMASHARIPOV. Boshmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 19.30. 2 3 4 5 6 7 8